БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

17-йил чиқиши.

№ 80 (4327).

23 АПРЕЛЬ ПАЙШАНБА 1970 йил.

Баҳоси 2 тийин.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет ҳукумати раҳбарлари 22 апрелда В. И. Ленин мавзолейига келиб, гулчамбарлар қўйдилар. А. Стужин фотоси. (Бу сурат ТАСС—ЎзТАГ телефотоси орқали олинган).

ПАРТИЯ ВА ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИ В. И. ЛЕНИН МАВЗОЛЕЙИГА ГУЛЧАМБАР ҚЎЙДИЛАР

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари 22 апрелда — Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги кунида В. И. Ленин Мавзолейини зиёрат қилдилар ва гулчамбар қўйдилар.

Гулчамбарнинг қизил лентасига қуйидаги сўзлар ёзилган: «Владимир Ильич Ленинга КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советидан».

Гулчамбарни Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, П. Е. Шелест, Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, П. Н. Демичев, Д. А. Кунаев, П. М. Машеров, В. П. Мжаванадзе, Ш. Р. Рашидов, Д. Ф. Устинов, В. В. Щербицкий, И. В. Капитонов, К. Ф. Катушев, Ф. Д. Кулаков, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев ва бошқа ўртоқлар қўйдилар.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати раҳбарлари Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг асосчиси, жаҳонда биринчи социалистик давлат бунёдкори, Россия меҳнаткашларининг йўлбошчиси, доҳий, мутафаккир ва революционер Владимир Ильич Ленин хотирасини бир минут сукут сақлаб ҳурмат билан эсга олдилар. (ТАСС).

«ОКЕАН» МАШҚЛАРИ РАЙОНИДАН

Ҳарбий Денгиз Флотининг давом этаётган «Океан» машқи давомида кемалар билан авиациянинг тактик машғулотлари бўлиб ўтди. Кемалар ва самолётларнинг экипажлари ҳамжиҳатлик билан ҳаракат қилиб, курол ишлатиш ва жанговар техникадан фойдаланиш маҳоратини кўрсатмоқдалар.

Командирлар ва штаблар флотларнинг кучлари ва воситаларини бошқариш вазифаларини такомиллаштирдилар.

Ҳар иккала томон — «жанубликлар» ва «шимолликлар» қўйилган вазифаларни ҳал этишда жанговар активлик ва матонат кўрсатмоқдалар. Тинч ва Атлантика океанларидаги денгиз авиациясининг кемалар билан яқиндан баҳамжиҳат бўлиб ўз вазифаларини бажармоқдалар. Шимолий ва Балтика флотлари кемаларининг отряддари тўхтовсиз давом этаётган шиддатли довул шароитида ҳаракат қилиб турдилар.

Океандаги кем нарда Ленин юбилейи Фахрий ёрлиқларини топшириш маросими бўлиб ўтди. Энг яхши матрослар, старшиналар ва офицерларга эса «Ҳарбий шавкати учун» юбилей медаллари топширилди.

«Океан» машқларида вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилаётганлиги — ҳарбий денгизчиларнинг улуғ Ленин юбилейига жанговар рапортидир.

Машқлар давом этмоқда.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг тантанали қўшма мажлиси тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Москвада, Кремлдаги Съездлар саройида КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган тантанали қўшма мажлиси 1970 йилнинг 22 апрелида давом эттирилди.

Эрталаб соат 10 да эрталабки мажлис очилди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ А. Н. КОСИГИН раислик қилади.

1904 йилдан бери Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзоси ўртоқ Л. А. ФОТИЕВАГА сўз берилади.

Тантанали мажлис қатнашчилари нутқ сўзлаган Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти Марказий Комитети секретарлигининг аъзоси ХО СУАН СОННИ қизғин табриклашди. Хо Суан Сон Америка империалистлари ва уларнинг Жанубий Вьетнамдаги қўғирчоқ режими агрессиясига қарши Жанубий Вьетнам халқи олиб бораётган одилона курашни қўллаб-қувватлаётганликлари ва ёрдам бераётганликлари учун Жанубий Вьетнамнинг курашаётган халқи номидан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига, Совет ҳукуматига ва барча совет халқига беғиҳоя миннатдорчилик изҳор қилди.

Сўнгра, тантанали мажлис иштирокчилари қизғин кутиб олган Куба Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг ва секретарлигининг аъзоси, Куба Республикасининг президенти ўртоқ ОСВАЛЬДО ДОРТИКОС ТОРРАДО нутқ сўзлади.

Мажлис аҳли қизғин кутиб олган Руминия Коммунистик партиясининг Бош секретари, Руминия Социалистик Республикаси давлат кенгашининг раиси ўртоқ НИКОЛАЕ ЧАУШЕСКУ нутқ сўзлади.

Тантанали мажлис қатнашчилари Америка Қўшма Штатлари Коммунистик партиясининг Бош секретари ўртоқ ГЭС ХОЛЛ нутқини қизғин кутиб олдилар.

Мажлис аҳли қизғин кутиб олган Италия Коммунистик партияси Сиёсий бюросининг аъзоси ўртоқ ЖАН КАРЛО ПАЙЕТТА нутқ сўзлади.

Тантанали мажлис қатнашчилари Монголия Халқ революцион партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Монголия Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси ўртоқ ЮМЖАГИЙН ЦЕДЕНБАЛ нутқини қизғин кутиб олдилар.

Мажлис аҳли қизғин кутиб олган Араб социалистик Союзи Олий Ижроия Комитетининг аъзоси АЛИ САБРИ нутқ сўзлади.

Сўнгра, СССР Фанлар академиясининг президенти, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Олий Советининг депутати ўртоқ М. В. КЕЛДИШ нутқ сўзлади.

Мажлис аҳли қизғин кутиб олган Уругвай Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ РОДНЕЙ АРИСМЕНДИ нутқ сўзлади.

Мажлис аҳли қизғин кутиб олган Корея Меҳнат партияси Марказий Комитети Сиёсий комитетининг ва Сиёсий комитет президиумининг аъзоси, Марказий Комитет секретари, Корея Халқ Демократик Республикаси Олий Халқ Мажлиси Президиумининг раиси ўртоқ ЦОЙ ЕН ГЕН нутқ сўзлади.

Мажлис аҳли қизғин кутиб олган Ҳиндистон Коммунистик партияси Миллий кенгашининг раиси ўртоқ ШРИПАД АМРИТ ДАНГЕ нутқ сўзлади.

Тантанали мажлис қатнашчилари Югославия Коммунистлар союзи президиуми ижроия бюросининг аъзоси ўртоқ ВЛАДИМИР БАКАРИЧ нутқини қизғин кутиб олдилар.

Мажлис аҳли қизғин кутиб олган Германия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ МАКС РЕЙМАН нутқ сўзлади.

Пионер горнларининг садолари янграйди. Тантанали мажлис қатнашчиларининг гулдурос қарсаклари остида залга пионерлар кириб келадилар. Ёш ленинчиларни ҳамма ўрнидан туриб кутиб олади. Пионерлар КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Совети номига табрик сўзлари айтишди.

Сўнгра, ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Советининг депутати ўртоқ Е. М. ТЯЖЕЛЬНИКОВ нутқ сўзлади.

* * *

Кечқурун, танаффусдан сўнг КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг қўшма мажлиси давом этди.

Мажлис аҳли Финляндия Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси ўртоқ ВИЛЛЕ ПЕССИ нутқини қизғин кутиб олди.

Шундан сўнг мажлис аҳли қизғин кутиб олган Испания Коммунистик партиясининг раиси ўртоқ ДОЛОРЕС ИБАРРУРИ нутқ сўзлади.

Тўпланганлар Сурия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бош секретари ўртоқ ХОЛИД БАГДАШ нутқини қизғин кутиб олдилар.

Мажлис аҳли Чили Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий комиссиясининг аъзоси ўртоқ ОРЛАНДО МИЛЬЯС нутқини қизғин кутиб олдилар.

Шундан сўнг мажлис аҳли қизғин кутиб олган Португалия Коммунистик партиясининг бош секретари ўртоқ АЛВАРО КУНЬЯЛ нутқ сўзлади.

Мажлис аҳли Аргентина Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бош секретари ўртоқ ХЕРОНИМО АРНЕДО АЛЬВАРЕС нутқини қизғин кутиб олди.

Йиғилганлар Лаос ватанпарварлик фронти марказий комитети делегациясининг бошлиғи ўртоқ НУХАКА ФУМСАВАН нутқини қизғин кутиб олдилар.

Австрия Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари ўртоқ ФРИДЛ ФЮРНБЕРГ нутқи қизғин кутиб олинди.

Мажлис аҳли Исроил Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бош секретари ўртоқ МЕИР ВИЛЬНЕР нутқини қизғин кутиб олди.

Мажлис аҳли Венесуэла Коммунистик партиясининг бош секретари ўртоқ ХЕСУС ФАРИА нутқини қизғин кутиб олди.

Шундан сўнг мажлис аҳли Ангола озодлиги халқ ҳаракатининг раиси АГОСТИНЬО НЕТО нутқини қизғин кутиб олди.

Жанубий Африка Коммунистик партиясининг раиси ўртоқ ЖОН Б. МАРКС нутқи мажлис аҳли томонидан қизғин кутиб олинди.

Шундан сўнг йиғилганлар Жаҳон касаба союзлари Федерациясининг бош секретари ўртоқ ПЬЕР ЖОНСУС нутқини қизғин кутиб олишди.

Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотининг делегацияси оркестр садолари остида шаҳдам қадам ташлаб жанговар шон-шуҳрат билан қопланган байроқларни кўтариб залга кириб келади. Тантанали мажлис қатнашчилари Ватанимизнинг шавкатли посбонларини, Ленин байроғи остида совет халқи қўлга киритган жаҳоншумул тарихий ғалабаларни ишонч билан қўриклаётганларни гулдурос қарсаклар билан кутиб олди.

Стратегик аҳамиятга эга ракета қўшинлари бирлашмасининг командири, Совет Иттифоқи Қаҳрамони генерал-майор В. М. ВИШЕНКОВ тантанали мажлис қатнашчиларини Совет Армияси ва флотининг солдат ва матрослари, сержант ва офицерлари, генерал ва адмираллари номидан, бутун жангчилар номидан саммий табриклайди.

Тантанали йиғилиш охирида зал аҳли томонидан қизғин кутиб олинган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ А. Н. КОСИГИН нутқ сўзлади.

Шу билан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган тантанали қўшма мажлиси ёпиқ деб эълон қилинди.

Тантанали мажлис қатнашчилари зўр завқшавқ билан партия гимни «Интернационал»ни айтдилар.

ЛЕНИН БАЙРОҒИ ОСТИДА—КОММУНИЗМ ҒАЛАБАСИ САРИ

КРЕМЛНИНГ СЪЕЗДЛАР САРОЙИДА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС

21 апрелда танаффусдан сўнг кечки мажлис бошланди. Ленинграддаги Киров заводи турбина йиғувчи слесарлар бригадасининг бошлиғи, РСФСР Олий Советининг депутати, Жаҳон Тинчлик Кенгашининг аъзоси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **К. В. Говорушин** биринчи бўлиб сўзга чиқади. Замонамизнинг революцион зафарлари, халқларнинг асрий орзу-умидлари амалга оширилиши, дейди у, Ленин номи билан, Ленин таълимоти билан чамбарчас боғлангандир. Биз, ишчилар синфига Ленин номи айниқса азиз ва яқиндир, чунки Владимир Ильич бутун ҳаётини пролетариат озод этишдек улуғвор ишга бағишлади.

Бугун КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев қилган докладни зўр завқ-шавқ билан тингладик. Ленининг улуғворлиги, Ленин таълимотининг тантанаси, Ленин васиятларини амалга ошириш соҳасида Коммунистик партия ва бутун совет халқи қилган улкан иш докладда ёрқин ва ҳар томонлама очиб берилган.

Биз, Ленин шаҳрининг ишчилари, дед давом қилади нотиқ, социалистик Ватанимизнинг қаҳрамон ишчилар синфи отряДларидан бири бўлганлигимиз билан фахрланамиз. Ленинград меҳнаткашлари Ленин юбилейи шарафига зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этдилар. Корхоналарда беш йилликнинг охирига мўлжалланган меҳнат унумдорлиги даражасига эришилди. Неча ўн миллион сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шу йилнинг биринчи кварталида саноат маҳсулотининг жами ўсиши меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига бўлди. Ишчи ташаббуси, халқнинг Ильичга бўлган меҳр-муҳаббатининг кучи шундай бўлди. Нималарга эришган бўлсак ва нималардан ҳақли равишда фахрланаётган бўлсак, ҳозир нималарни яратаётган, ва қураётган бўлсак, дейди пировардида К. В. Говорушин, — шуларнинг ҳаммасига ленинчи партиямизнинг раҳбарлиги остида эришилди ва қўлга киритилди. Биз партиянинг ички ва ташқи сиёсатини тўла-тўкис қўллаб-қувватлаймиз, биз партияга чексиз ишонамиз, партия бош йўлининг тантанаси учун курашда куч-қувватларимизни сира аямаймиз.

Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети номидан Ленин номи ва Ленин идеаллариги, социализм ишига партиямизнинг, поляк ишчилар синфининг ва Польшадаги барча меҳнаткашларнинг беғиҳоя чуқур ҳурматини ва садоқатини изҳор қилишни истар эдим. Ленин социализмнинг атоқли ифодачиси бўлди ва унинг учун тинмай курашди.

Ленин ғоялари вужудга келтирган ва унинг бевосита раҳбарлигида барпо этилган Совет Иттифоқи ривожланиб бориб, жаҳондаги кучлар нисбатини ўзгартириб юборди ва социализмнинг кенг тарқалиши учун, социалистик давлатлар жаҳон системасининг пайдо бўлиши учун қудратли имкониятлар яратиб берди.

Ленин капитализмни ағдариб ташлаш учун курашда меҳнаткашлар оммаси интернационал бирлигини ва бирдамлигини сақлаб қолишга муттасил ҳаракат қилди, социализм шароитида интернационал принципларга асосланган халқлар дўстлиги учун курашди.

Ленининг ўзи, унинг ғоялари кўп сабабларга кўра поляк халқига айниқса яқин. Ленин поляк революцион ишчилар ҳаракатининг ривожланишига жуда катта таъсир ўтказди, бу ҳаракатнинг ички идеологик кучини ошириш учун, перевод қилиш ва аккредитивларга айлантириш

Ленин бир неча йиллар давомида поляклар диёрида яшаб ижод қилди. Ленин революцион Россия билан Польша бирлиги ва бирдамлиги ишининг энг оташин ва энг принципиал тарафдори бўлди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси поляк халқининг озод қилиниши учун шарт-шароит яратиб берди. Ленин бош бўлган Совет ҳукумати Польшани тақсимлаб олиш тўғрисидаги шартномаларни бекор қилди.

Польша революцион ишчилар ҳаракати ҳам, деди сўнгра В. Гомулка, ғолиб революция мамлакатини зўр эҳтирос билан ҳимоя қилиб келди, поляк буржуазиясининг миллатчилигига Польша билан СССР ҳамкорлиги ғоясини қарама-қарши қилиб қўйди.

КПСС ва Польша Бирлашган ишчи партиясининг интернационал сиёсати туфайли эндиликда Ленин ғоялари давлатларимиз ва халқларимизнинг муносабатларини тўла-тўкис белгилаб бермоқда: СССР билан халқ Польшаси ўртасидаги иттифоқ иккинчи жаҳон урушидан кейин қитъамизда вужудга келган сиёсий ва географик ҳолатни стабиллаштирмоқ ва қатъийлаштирмоқ учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Икки давлатимизнинг иттифоқи ва барча социалистик мамлакатларнинг бирлиги бу ҳолатни ўзгартиришга қаратилган ҳар қандай уринларга қарши мустаҳкам ғов бўлиб турибди.

Польшо Бирлашган ишчи партияси Ленин принципларига амал қилиб, Польшанинг социалистик тузумини бундан буён ҳам изчиллик билан мустаҳкамлайверади, социализм ғояларини поляклларнинг ақли ва қалбига маҳкам сингдираверади, Польшанинг Совет Иттифоқи билан ва бошқа социалистик мамлакатлар билан интернационал алоқасини мустаҳкамлайверади.

Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Германия Демократик Республикаси Давлат кенгашининг Раиси **В. Ульбрихтга** сўз берилади.

Мана шундай тантанали кунда, деди у, Ленининг жанговар сафдошларига ва унинг ишини Совет Иттифоқида давом эттирувчиларга, унинг жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатидаги тарафдорларига ва шогирдларига самимий жанговарлик саломини топшириш учун менга имконият берилганлигини ўзим учун алоҳида шараф деб биламан. Мен сизларни Германия Бирлашган социалистик партияси, Германия Демократик Республикасининг гражданлари ва ҳукумати номидан, Карл Маркс билан Фридрих Энгельснинг ҳаётимизнинг ва барчамизнинг ишимизнинг ва барчамизнинг ишимизнинг ва барчамизнинг иш

ЛЕНИН БАЙРОҒИ ОСТИДА — КОММУНИЗМ ҒАЛАБАСИ САРИ

(Бошы биринчи бетда).

мустамлакачиларига қаршилик урушида, Америка агрессиясига қарши, ватанни қутқариш учун олиб борилаётган курашда шонли ғалабаларга олиб келди. Вьетнам революциясининг ғалабаси халқаро коммунистик ҳаракат бериб турган қудратли мадад билан, Совет Иттифоқи ва бошқа қардош социалистик мамлакатлар бериб турган бебаҳо ёрдам билан, бутун прогрессив инсониятнинг бизга нисбатан ҳайрихоҳлиги ва бирдамлиги билан чамбарчас боғланган.

Ле Зуан пировардида бундай деди:

Вьетнам халқи тинчликни жон-дилидан севади, лекин бу тинчлик мустақиллик ва эркинлик билан боғланган бўлиши керак. Америка агрессорлари ўзларининг ёвуз босқинчилик ниятларидан қайтмагунча Вьетнам халқи кескин курашни давом эттираверади ва шак-шубҳасиз енгиб чиқади.

Бизга нисбатан ҳайрихоҳликлари ва бераётган ёрдамлари учун қардош социалистик мамлакатларга, халқаро коммунистик ҳаракатга ва бутун дунёнинг прогрессив кучларига чин кўнгилдан миннатдорчилик билдириб, уларни ишонтириб шуни айтамизки, ўзимизнинг интернационал бурчимизни бажармоқ учун бутун куч-ғайратимизни сарфлаймиз, сизлар билан бирга, ўртоқлар ва дўстлар, марксизм-ленинизмнинг зафарли байроғини баланд кўтариб, шонли революцион ишни охирги ғалабага етказишга муносиб ҳисса қўшамиз.

Комил ишонч билан биз бу ерда, мана шу тантанали юбилей йиғилишида улуғ Ленинга, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига ва қардош совет халқига партиямизнинг, ишчилар синфининг ва Вьетнам халқининг чуқур ташаккур ҳисларини изҳор этамиз.

Франция Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси **Жак Дюкло** сўзга чиқиб бундай деди:

— Бутун дунёдаги коммунистик ва ишчи партиялар, капиталистик эксплуатацияни ва урушни тугатиш учун курашаётган кишиларнинг ҳаммаси В. И. Ленин туғилган кунинг 100 йиллигини тантанали равишда нишонламоқдалар. Бизнинг мамлакатимизда, деди у, Ленинни 1917 йилги Октябрь социалистик революциясининг атоқли назариётчиси ва дохиёна стратеги деб ҳурматлаш билан бирга Франциянинг дўсти деб ҳам ҳурматлайдилар. У бизнинг мамлакатимизда яшади ва Франциянинг тарихини жуда яхши билиб олди. У француз ишчилар ҳаракатининг кучи, ғоясининг ҳаётийлиги ҳам нимадан иборат эканлигини тушуниб олишга муваффақ бўлди, бу ҳаракатни қайта тиклашда кўмаклашди. Ҳозирги асрнинг бошида француз социализмини кемираётган офат — оппортунизм эканлигини Ленин тушуниб олди. Шунингдек, Ленин анархизмнинг сўлбозлик вайсақилиги нақадар зарарли эканлигини ҳам кўрсатиб берди. У ёш француз Коммунистик партияси олдида турган мақсад ва вазифаларни ҳал этишда партиямизга бебаҳо ёрдам кўрсатди.

Ленин ғоялари шу қадар чуқур из қолдирган ҳозирги дунёнинг ҳарактерли белгиси шуки, деб давом қилди нотиқ, жаҳон социалистик системасининг қудрати ва халқаро нуфузи тўхтовсиз ўсиб бормоқда, миллий озодлик ҳаракатининг зарбалари остида мустамлакачилик системаси тез емирилмоқда, капиталистик дунёда синфий жанглар кучайиб бормоқда, жаҳон капиталистик системаси ич-ичидан емирилиб ва бузилиб бормоқда. Жаҳон майдонида социализм кучларининг империализм кучларига нисбатан, тинчлик кучларининг уруш кучларига нисбатан устунлиги тобора кўпроқ даражада ўзини кўрсатмоқда. Капиталистик мамлакатларнинг ишчилар синфи ўзи олиб бораётган революцион курашда бутун миллатнинг манфаатларини ҳар қачонгидан кўра кўпроқ ифодалаб бермоқда. Ваҳолонки, монополиялар кўпроқ фойда олиш мақсадини кўзлаб, миллат манфаатларини қурбон қилмоқдалар. Франция Коммунистик партияси Ленин ғоялари руҳида ишчилар билан демократик кучлар иттифоқини вужудга келтириш учун, капиталистик монополияларга ва уларнинг реакцион сиёсатига қарши курашмоқда.

Ленин туғилган кунинг 100 йиллигини нишонлар эканмиз, деди Ж. Дюкло, Совет Иттифоқининг ютуқларини кўриб қувонмоқдамиз. Совет Иттифоқи ҳеч ким қадам қўймаган йўллардан бориб, социализм қуриб олди ва эндиликда бутун дунё меҳнаткашларига капитализм ҳукмронлигини ва унинг зулм системасини йўқ қилиб ташлаш мумкинлигини яққол намойиш қилмоқда.

Франция Коммунистик партияси коммунистик ва ишчи партиялар Москва Кенгашининг хулосаларига асосланиб, деди сўзининг охирида Ж. Дюкло, улуғ Ленин партияси бўлган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан, бошқа барча коммунистик ва ишчи партиялар билан ўзининг ҳамкорлигини ҳар томонлама мустаҳкамламоқда. Бу ҳамкорлик ҳар бир партиянинг ҳамда бутун халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг муваффақиятлар қозониши учун гаровдир.

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Г. Гусакка** сўз берилади.

Барча халқларнинг тақдири каби чехлар билан словакларнинг тақдири ҳам, деди у, Ленининг революцион васиятлари ва иши билан у ёки бу даражада боғланган. Аммо мамлакатимиз халқларининг тақдири Ленин билан айниқса маҳкам ва бевосита боғланган. Улар Ленин билан бирга ўзларининг энг янги тарихларини бошладилар. Уларнинг ҳозирги замон тарихидаги энг шонли саҳифалар Ленин номи билан боғланган. Улар маслаҳат сўраб ҳар доим Ленинга мурожаат қилдилар, буржуа республикаси давридаги, оғир синовлар йилларида, фашистлар оккупацияларига қарши махфий кураш олиб борилган вақтда, словаклар миллий қўзғолонининг энг фожиали пайтларида, 1948 йил февралида ва Чехословакияда социализм қуриш йилларида Ленинни ўзларига қувват бахш этувчи куч деб билдилар. Чехословакия халқи Ленин туғилган кунинг 100 йиллигини шунинг учун ҳам айниқса тантанали вазиятда нишонламоқдаки, бу юбилей Совет Армияси томонидан мамлакат озод қилинганлигининг 25 йиллиги билан бир вақтга тўғри келиб қолди, чунки бундан 25 йил муқаддам Совет Армияси ўзининг тарихий бурчини бажариб, фашизмни тор-мор келтириди ва ишчилар синфига Чехословакияда янги ижтимоий тузум қуриш йўлини очиб берди.

Ленинизмдан ҳар қандай чекиниш социализм ишига ҳар доим зарар етказиб келди ва етказади, танглик вазиятларининг пайдо бўлишига, тартибсизликларга, бузилишга, контрреволюциянинг ривож топишига олиб келади. Буни биз, деди Г. Гусак, Чехословакияда 1968 йилнинг январидан кейин рўй берган воқеалар мисолида ўз кўзимиз билан яққол кўрдик. Ўша вақтдаги партия раҳбарлигининг заифлиги, унда коммунистик принципалликнинг етарли эмаслиги, идеология ва сиёсат соҳасидаги ён беришлар ва мужмаллик мамлакатимизни ҳалокат ёқасига келтириб қўйди. Марксизм-ленинизмдан чекиниш ревизионистларни, буржуа идеологларини ва ишчилар синфининг ҳар хил ренегатларини ўз қарашлари ва сиёсий концепцияларини ҳар қандай йўллар билан ўтказишга рағбатлантириди, аввал коммунистларнинг, сўнгра эса аста-секин бутун жамиятнинг ҳам ғоявий издан чиқишига ёрдам берди.

Ички ва ташқи сиёсат масалаларини ҳал қилишда синфий йўл тутиш кераклиги, социалистик қурилиш жараёнида ишчилар синфининг раҳбарлик ролини мустаҳкамлайвериш зарурлиги ва Коммунистик партияни меҳнаткашларнинг изчил марксчи-ленинчи раҳбари бўладиган қилиб қуриш зарурлиги тўғрисида Ленин берган кўрсатмалар ўзининг актуаллигини ҳозирги кунда ҳам йўқотмаганлигини Чехословакиянинг мисоли яна бир марта исботлади.

Ҳозирги вақтда биз Чехословакия Коммунистик партиясининг ғоявий ва жанговар бирлигини марксизм-ленинизм принциплари асосида чуқурлаштириш учун, партиямизнинг жамиятдаги раҳбарлик ролини мустаҳкамламоқ учун курашмоқдамиз. Биз ишчилар синфининг давлат ҳокимиятини ва давлатимизнинг социалистик характерини мустаҳкамламоқдамиз. Экономика билан сиёсатни бир-бири билан боғлаш тўғрисидаги Ленин қоидаларига алоҳида эътибор бермоқдамиз, халқ хўжалигини мукаммалаштириш ва янада ривожлантириш социалистик жамиятимизни ҳар томонлама ривожлантиришнинг шарти эканлигини билиб, бунга эришишга бутун куч ва ғайратимизни сарфламоқдамиз.

Ленинизмга содиқ бўлиш, деди Г. Гусак, биз учун — социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг бирлигини ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлайвериш, ўзаро ҳамкорликни ривожлантиравериш, ғоявий жипсликни, иқтисодий ва ҳарбий қувватни мустаҳкамлайвериш демакдир.

Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Я. Кадар** сўзга чиқиб айтдики, Венгрия коммунистлари Владимир Ильич Ленинни большевистик партиянинг бунёдкори, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг йўлбошчиси, Совет давлатининг асосчиси, социалистик қурилишнинг назариячиси ва ташкилотчиси, оташин революционер деб ҳурматлайдилар. Биз Ленинни, деди у, давримизнинг моҳиятини ва тарихий қонуниятларини очиб берган, рус пролетариати ва халқаро пролетариатнинг ҳаётий манфаатларини ифодалаб берган атоқли арбоб деб ҳурматлаймиз. Унинг абадий барҳаёт таълимоти ўзи пайдо бўлган пайтда бўлгани каби, ҳозирги кунда ҳам жуда катта таъсир ўтказиб турибди, бизнинг фикримизни ишга солмоқда, чунки Ленин назарияси доғма эмас, балки ҳаракатга қўлланмадир.

Ленининг сўнмас ғоявий мероси ҳозирги кунда ҳам билим манбаи бўлиб хизмат қилмоқда. У биздан пролетариатга хос қатъий синфий онгни талаб қилади, бизни интернационализм руҳида тарбиялайди, айрим мамлакатларнинг миллий хусусиятларни ва ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиб боришни, принципиал, муросасиз сиёсат ўтказишни, амалий ишларда эпчил бўлишни талаб қилади.

Давримизнинг марксизми бўлган ленинизмни ўрганиш, коммунистларнинг революцион бурчи, деб таъкидлади нотиқ.— Ленин таълимотидан чекиниш — боши берк кўчага киритиб қўяди, мағлубиятга учратади. Ленин ғояларига ҳамиша содиқ бўлиб қолиш, унинг таълимоти руҳида ҳаракат қилиш — коммунистларнинг ҳозирги авлоди учун ҳам ғалаба манбаидир.

Ленин Венгрия пролетар революциясига мадад берганлиги учун венгер ишчилар синфи ундан чуқур миннатдор, уни венгер халқининг буюк дўсти деб ҳурматлайди. Ленин, Совет Иттифоқи, бизнинг фашистлар асоратидан қутилганлигимиз, ҳозирги социалистик ҳаётимиз ва келажагимиз — мана шуларнинг ҳаммаси бизнинг назаримизда бир-биридан ажратиб бўлмайдиган тушунчалардир.

Идеология фронтида ленинча ҳаракат қилиш, — бизнинг қатъий фикримизча, ғояларимизнинг софлигини қаттиқ туриб ҳимоя қилиш демакдир. Марксизм-ленинизмни бузувчиларга қарши, ўнг оппортунизмнинг ҳам, «сўл» оппортунизмнинг ҳам ҳар қандай кўринишларига қарши курашиш демакдир.

Социализм кучлари билан капитализм кучларининг жаҳоншумул курашида, халқаро муносабатларда, бутун жаҳон сиёсатида ҳозирги вақтда Ленин васиятларига амал қилиш, — бизнинг фикримизча, — социалистик мамлакатларнинг жипслигини ҳормай-толмай мустаҳкамлаш демакдир, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг курашини ҳар доим қўллаб-қувватлаш, ўз озодлиги ва мустақиллиги учун жанг қилаётган халқлар кураши билан ҳар доим бирдам бўлиш демакдир.

Улуғ юбилей кунида биз, деди пировардида Я. Кадар, Ленин коммунистик партиясини ва Совет Иттифоқи халқини табриклаймиз. Инсониятга Ленинни берган, Ленин байроғини ҳар доим авайлаб сақлаб келган ва эндиликда уни баланд кўтариб бораётган халқни табриклаймиз.

Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг раиси **Т. Живков** минбарга чиқади. Тарихга назар ташласак, дейди у, ижтимоий тараққиёт қонунларини очиб таърифлаб берган, революцион таълимотимизнинг мунтазам системасини вужудга келтирган, халқаро коммунистик ҳаракат негизини қурган мутафаккирлар Карл Маркс билан Фридрих Энгельснинг улуғвор сиймоларини кўрамиз. Бошқа ўтган йўлимизга қайрилиб қарасак, бизнинг кўз олдимизда Владимир Ильич Ленин бутун улуғлиги билан гавдаланади. Ҳозир бутун прогрессив инсоният шу улуғ зот туғилган кунинг 100 йиллигини байрам қилмоқда.

Замонимиз учун характерли бўлган асосий нарса шуки, жаҳон социалистик системаси яшаб келмоқда, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати мавжуд бўлиб турибди.

Эски дунё билан янги дунё ўртасида бўлаётган жуда катта беллашувда ҳозирги кунда ҳам биз билан бирга қадам ташлаб бораётган — ҳаётларнинг барҳаёти бўлган ва бизни ғалабадан ғалабага олиб бораётган инсон, мутафаккир, йўлбошчи В. И. Ленининг доҳиёна революцион фикри, марксизм-ленинизм ғоялари бизнинг асосий ғоявий, сиёсий ва ташкилий қуролимизмиз.

Эски дунё коммунистик ғоялар йўлини тўсиб, унга қарши курашмоқ учун ўзининг бутун кучини сафарбар қилди, деди сўнгра Т. Живков. Эски дунё бу курашда капитализмнинг ошкора маддоҳлари ва оппортунистлар билан биргалашиб олди. Уларнинг ҳамласи ўз муддаосига сира етолмайди! Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, унинг ленинчи Марказий Комитети Ленин васиятларини муқаддас билиб сақлаб келмоқда. Совет Иттифоқи шундай кучга айландики, эндиликда ҳозирги дунё тараққиётининг муҳим масалаларидан биронтасини ҳам шу куч иштирокисиз ҳал қилиб бўлмайди. Бутун дунёда юз миллионлаб кишилар эндиликда Совет Иттифоқининг ишлари ва шижоатларига тахсин айтмоқдалар.

Болгария Коммунистик партияси, бутун болгар халқи Владимир Ильич туғилган кунинг 100 йиллигини ўзининг улуғ байрами каби кутиб олмоқда. Ленин номи биз болгарлар учун бениҳоя азиз ва жонажон ном бўлиб қолди. Революцион қурашда ҳам, социалистик қурилишда ҳам содиқ ленинчи Георгий Димитров кўп йиллар бош бўлиб турган бизнинг партиямиз ҳар доим ўзининг йўлини марксизм-ленинизм компасига тўғрилаб белгилаб келди ва белгиламоқда. Ҳозирги кунда ҳам биз мана шу минбардан туриб, тантанали равишда шуни айтамизки, мамлакатимиз қўлга киритган нарсаларнинг ҳаммасига халқаро коммунистик ҳаракатнинг содиқ ленинчи отряди — Болгария Коммунистик партияси раҳбарлигида, Ленин байроғи остида эришди.

Тантанали мажлис қатнашчилари ўринларидан туриб, қардош социалистик мамлакатларнинг вакилларини қизғин қарсаклар билан табрикладилар. Уларнинг нутқлари зўр эътибор билан тингланди ва бир неча марта олқишлар билан бўлинниб турди.

* * *

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Владимир Ильич Ленин туғилган кунинг юз йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлиси 22 апрелда Кремлнинг Съездлар саройида ўз ишини давом эттирди.

Залга бугун ҳам КПСС Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзолигига кандидатлари, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзолари, СССР ва РСФСР Олий Советларининг депутатлари тўпланишди. Москва шаҳри ва Москва области жамоатчилиги ва меҳнаткашларининг намояндалари, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг жангчилари, фан, адабиёт ва санъат арболари, министрликлар, идоралар ва марказий муассасаларнинг, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари ҳам ҳозир бўлишди.

Мажлисда социалистик мамлакатларнинг партия-ҳукумат делегациялари, капиталистик ва ривожланаётган давлатлардаги коммунистик ва ишчи партияларнинг, миллий демократик-партиялар ва ташкилотларнинг, сўл социалистик партияларнинг, касаба союз ва бошқа прогрессив халқаро ташкилотларнинг делегациялари ҳозир бўлишди.

Ложаларда дипломатик корпус аъзолари, совет ва чет эл журналистлари ўтиришибди.

Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, П. Е. Шелест, Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, П. Н. Демичев, Д. А. Кунаев, П. М. Машеров, В. П. Мжаванадзе, Ш. Р. Рашидов, Д. Ф. Устинов, В. В. Щербицкий, И. В. Капитонов, К. Ф. Катушев, Ф. Д. Кулаков, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев ўртоқлар президиумда пайдо бўлганларида мажлис аҳли уларни ўринларидан туриб узоқ давом этган гулдурос қарсаклар билан кутиб олди.

СССР Олий Совети Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг раислари ва ранс ўринбосарлари, РСФСР Олий Советининг раиси ва унинг ўринбосарлари, РСФСР Олий Совети Президиумининг раиси, партия ветеранлари, партия ва давлат арболари, чет эл делегацияларининг раҳбарлари улар билан бирга президиумдан жой оладилар.

Эрталабки мажлисда раислик қилувчи КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ **А. Н. Косигин** 1904 йилдан бери КПСС аъзоси **Л. А. Фотневага** сўз беради.

Ленин гвардиясининг ветеранлари номидан у тантанали мажлис қатнашчиларини улуғ сана билан қизғин табриклади. Биз, деди у, Ильичнинг замондоши бўлиш, уни кўриш ва гапларини эшитиш, у билан бевосита биргаликда ишлашдек улуғ бахтга мушарраф бўлдик. Биз доҳий, мутафаккир, улуғ пролетар революционери, қалби беқиёс ғўзал инсон — Ленин образини хотирамизда ҳамиша сақлаб келмоқдамиз.

Ленининг революцион фаолияти ишчилар синфининг ҳаёти, кураши ва бунёдкорлик меҳнатидан ажралмасдир. Меҳнаткашлар билан доимо муомала қилиб туриш Владимир Ильичнинг ички эҳтиёжи бўлиб қолган эди. У омманинг ҳаёт тажрибасини юксак қадрлар ва қунт билан ўрганар эди. Партиямиз ҳаёт ва революцион кураш олдимизга қўйаётган саволларга жавобларни ҳамиша Ленин асарларидан топиб келди ва топмоқда.

XX асрнинг бошларидаёқ, деди сўзини давом эттириб Л. А. Фотиева, Ленин ишчилар синфининг жанговар, жипслашган, интизомли партиясини тузишни орзу қилар эди. Ниҳоят шу партия тузилди. У революцион кураш алангасида, янги жамият қуриш жараёнида мустаҳкамланди ва чиниқди. У миллион-миллион ишчиларни, деҳқонларни, зиёлиларни ўз теварагида жипслаштирди. Мамлакатимиз ишчилар синфи, барча меҳнаткашлари КПСС раҳбарлигида қудратли Совет Иттифоқини барпо этдилар. Партиямизнинг шонли ишларида Ленининг улуғ ғайратшижоати, оташин Ленин қалбининг уриши давом этиб келмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев ўз докладида ана шуларнинг ҳаммасини завқ-шавқ билан мазмунли қилиб гапириб берди.

Совет халқи партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети раҳбарлигида ғоят мураккаб иқтисодий ва социал проблемаларни ҳал этмоқда, коммунизм қуришнинг улуғвор планларини муваффақиятли равишда амалга оширмоқда. Коммунистлар партияси Ленин васиятларига муттасил амал қилиб келаётганлиги, янги вазифаларни ҳал этиш учун дадил курашаётганлиги, ҳамма қийинчиликларни бартараф этаётганлиги ва халқ оммаси билан алоқада бўлиб, куч-қувват олаётганлиги туфайли шундай қилиш мумкин бўлиб қолди. Ленин байроғига садоқат, Ленин ўзининг бутун ҳаётини охиригача бағишлаган ишга садоқат бундан буён ҳам бизнинг олга ҳаракатимиз гарови бўлиб қолади.

Минбарда — Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти Марказий Комитети секретариатининг аъзоси **Хо Суан Сон.** Ярим асрдан сал кўпроқ муддат ичида, деди у, Ленин таълимоти ғоят кенг халқ оммасининг қалби ва ақл-заковатини шу қадар мафтун қилдики, жаҳон ижтимоий тафаккури тарихида ҳали ҳеч қандай таълимот бунга эриша олган эмас. Ленинизм шу қадар порлоқ ғалабаларга эришдики, бундай ғалабаларга эришган бошқа бир таълимот ҳали бўлган эмас. Ленин таълимоти тинимсиз ривожланиб ва бойиб бордики, ўз мазмуни жиҳатидан шу қадар порлоқ бир таълимот бўлиб қолдики, ҳали ҳеч бир таълимотга бу нарса насиб бўлган эмас. Хо Суан Сон Америка империализми зулмидан ўзини озод қилиш учун курашаётган Жанубий Вьетнам халқи номидан бутун дунёда революция ва миллий озодлик ҳаракатининг улуғ йўлбошчиси, устози бўлган Ленинга чексиз ҳурмат, таҳсин ва чуқур миннатдорчилик изҳор қилди.

Совет Иттифоқи, деб таъкидлади у, Ленин васиятларига амал қилиб, ўзининг олижаноб, интернационал бурчини бажариб, жаҳон халқларининг тинчлик, миллий мустақиллик, демократия ва социал тараққиёт учун курашида муҳим роль ўйнаб келди ва ўйнамоқда. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, Совет ҳукумати ва совет халқи аввал ҳам, ҳозирги вақтда ҳам халқларнинг агрессив Америка империализмига қарши олиб бораётган курашининг олдинги сафида турган Вьетнам халқига доимо ҳайрихоҳлик изҳор қилиб келди, уни қўллаб-қувватламоқда ва жуда катта самарали ёрдам бермоқда. Совет халқи Жанубий Вьетнам халқининг курашини эътибор бериб кузатиб турганлиги ва бу курашни ўзининг жонажон иши деб билаётганлиги Жанубий Вьетнам ватанпарварларини ғоят қувонтиради ва руҳлантиради.

Америка агрессиясига қарши, ватанни қутқариб қолиш учун олиб борилаётган курашда берилаётган ёрдам учун, Хо Суан Сон Жанубий Вьетнам халқи, Миллий озодлик фронти номидан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига, ҳукумати ва халқига чуқур миннатдорчилик билдирди. Жанубий Вьетнам билан Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик ва жанговар бирдамлик кун сайин мустаҳкамланиб ва ривожланиб боришига бизнинг ишончимиз комил, деди пировардида нотиқ.

Куба Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг ва секретариатининг аъзоси, Куба республикасининг президенти **О. Дортикос Торрадо** Совет халқига, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет ҳукуматига қизғин салом топширди.

Куба меҳнаткаш халқи, деди у, Ленин хотирасини ҳурматлаб, унинг ижоди ва ҳаётини, унинг назарияси ва ибратини ўрганмоқда. Ленининг стратегик даҳоси раҳбарлигида Октябрь революциясининг ғалаба қозонганлиги, Ленин мамлакатида Совет ҳокимияти мустаҳкамланиб, социализм ғалаба қилганлиги — ана шуларнинг ҳаммаси барча халқларнинг революцион курашида, социализм ни ер юзига ёйишда ҳал қилувчи роль ўйнаганлигига ишончимиз комил.

Ленин раҳбарлик қилган революция натижасида вужудга келган мамлакат — Совет Иттифоқининг бирдамлиги Куба революциясини мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш учун қандай аҳамиятга эга эканлигини нотиқ таърифлаб ўтди. Ленин ғояларидан руҳланган Куба революцияси империалистик даҳшатга ўзининг мардонавор қаршилик кўрсатиш намунаси билан Латин Америкасида жанговарлик руҳини ва революцион ишончни мустаҳкамлашга ёрдам берди.

Халқларнинг империализмга қарши революцион-озодлик кураши кучайиб бораётган, империализм эса тобора агрессивлик қилаётган ҳозирги даврда, деди нотиқ, Ленининг пролетар интернационализми тўғрисидаги, жаҳон коммунистик ва бутун антиимпериалистик ҳаракат бирлиги ҳақидаги ғоялари алоҳида куч касб этмоқда. Пролетар интернационализми ғояларининг амалга оширилиши Осиё, Африка ва Латин Америкасининг курашаётган халқлари билан бирдамлик қилинишини билдиради, мустақиллик ва ўз ватанини қайтадан бирлаштириш учун қаҳрамонона кураш олиб бораётган Вьетнам халқининг маънавий ва моддий жиҳатдан тобора кучлироқ қўллаб-қувватланишини билдиради.

Бизнинг делегациямиз, деди ўз нутқининг охирида О. Дортикос, Куба ва совет халқларини ҳамда партияларини бирлаштириб турган қатъий, бузилмас ва бегараз дўстлик тўғрисида бу ерда тамомила равшан қилиб гапиради. Делегациямиз партиямизнинг марксизм-ленинизм ғояларига муттасил содиқлигини яна бир карра таъкидлайди.

Руминия Коммунистик партиясининг бош секретари, Руминия Социалистик Республикаси Давлат кенгашининг раиси **Н. Чаушеску** Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетини, барча совет коммунистларини ва совет халқини шонли сана билан қизғин табриклади. У Руминия Коммунистик партияси Марказий Комитети, румин коммунистлари, бутун румин халқининг қутловлари ва интернационал бирдамлик туйғуларини топширди.

Марксизм-ленинизм ғоялари, Совет Иттифоқида социализм ғалаба қозонганлигида ўзининг ажойиб амалий ифодасини топди, деди Николае Чаушеску, Совет Иттифоқининг буюк муваффақиятларига румин коммунистлари, халқимиз чин кўнгилдан қувонмоқдалар ва коммунизм қуришда, меҳнаткашларнинг фаровонлиги ва бахт-саодати йўлида совет коммунистларига, совет халқига янгидан-янги муваффақиятлар тилайдилар.

Руминия Коммунистик партияси ўзи ташкил топган пайтдан бери румин—совет дўстлигини ривожлантириш учун муттасил курашиб келди. Социализм йилларида социал тузумнинг мустараклиги негизида бу дўстлик тош-метиндек мустаҳкамланди. Руминия Коммунистик партияси, ишчилар синфи, бутун халқимиз бундан бўён ҳам партияларимиз ва халқларимиз ўртасидаги қардошларча ҳамкорлик муносабатларини чуқурлаштириш йўлидан оғишмай олга боришга қаттиқ бел боғлагандирлар. Саноатни ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда, фан ва маданиятни равнақ топтириш, меҳнаткашлар фаровонлигини ошириш ишида румин халқи Руминия Коммунистик партияси раҳбарлигида эришган муваффақиятлар марксизм-ленинизмнинг порлоқ исботидир.

Николае Чаушеску пировардида бундай деди: Ленин юбилейи нишонланаётган бир пайтда биз шуни айтишни лозим деб ҳисоблаймизки, ватанимизни ҳар томонлама ривожлантиришга, социалистик миллатимизни равнақ топтиришга, Руминия Коммунистик партияси билан Руминия Социалистик Республикасининг жаҳон социалистик системаси қудратини оширишга, озодлик, демократия, социализм ва тинчлик учун курашда коммунистик ҳаракатнинг, барча антиимпериалистик кучларнинг бирлигини мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссасини кўпайтиришга қаратилган кучғайратларини ошириш — Ленин хотираси ҳурматини бажо келтира оладиган энг олий ҳиммат бўла олади.

Америка Қўшма Штатлари Коммунистик партиясининг бош секретари **Г. Холл** минбарга чиқади.

Мен, деди у, ана шу тантанали мажлисда бутун партиямиз номидан, партиямизнинг миллий раиси ўртоқ Уинстон номидан, Америка Қўшма Штатларидаги барча прогрессив қурашчилар номидан сизга табрик топшириш учун шарафга муяссар бўлдим.

Ленин Қўшма Штатлардаги революцион ҳаракатга аввал бошдан бевосита ва чуқур таъсир кўрсатди. Унинг ўнг оппортунистларга қарши, таслимчилар ва пинҳона келишувчиларга қарши бир мақсадни кўзлаган, муросасиз кураши революционер кадрларни воя-га етказишга ёрдам бердики, бу кадрлар Америка Қўшма Штатларида Коммунистик партияни вужудга келтиришда ҳал қилувчи роль ўйнадилар.

Ленин ўша вақтда пайдо бўлган Коммунистик партияларга мурожаат қилиб, империализмни оғзаки қоралаш революцион кураш билан мустаҳкамламас экан, унга бефарқ чидаб туриш мумкин эмас, чунки, бундай қоралаш мунофиқликнинг ўзидир, деган эди. Ҳаёт Ленининг бу огоҳлантиришлари бениҳоя ҳаққоний доно гаплар эканлигини тасдиқлайди.

АҚШнинг Вьетнамдаги агрессиясига қарши кураш, деб давом қилди Г. Холл, биз учун ҳеч кечиктириб бўлмайдиган синов вазифаси бўлиб қолмоқда, бу агрессия ҳозир Лаос ва Камбоджага ҳам ёйилиб бормоқда. Ҳозир агрессия сиёсатининг янги энг қалтис даври бошланяпти. АҚШнинг ўз қўшинларини Вьетнамдан рамзий тарзда олиб чиқиб кетиш ёрдамида найранг ишлатиш имкониятлари чиппакка чиқмоқдаки, бу нарса кенг омманинг ҳафсаласини яна пир қилиб, янги оммавий норозиликларга сабаб бўлмоқда. Биз ана шу хатти-ҳаракатларни оғзаки қоралашни Америка империалистик агрессорларининг шармандаси чиққан сиёсатига қарши янги оммавий ҳаракатлар билан мустаҳкамлаяпмиз.

В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллик юбилейи барча революцион отрядлар учун Ленининг революцион байроғини янада баландроқ кўтариш вазифасини қўймоқда. Ленин очиб берган революцион йўл ғалабага олиб борувчи бирдан-бир йўлдир, деб таъкидлади пировардида нотиқ.

— Пўстин кийган ёки солдат шинелини кийиб олган мужикнинг кўнглидаги бор гапларни Ленинчалик эътибор билан тингалайдган, бор ҳақиқатни Ленинчалик сидқидилдан ва оддий қилиб айтиб берадиган киши йўқ эди. Бу ҳақиқат деҳқонларнинг ижтимоий озодлиги фақат социалистик революция йўлида, ишчилар синфи билан қардошларча иттифоқ ва ишчилар синфи раҳбарлигида рўёбга чиқиши мумкинлигидан иборат эди. Колхозлар Иттифоқ Кенгашининг ўринбосари, Украина ССР Винница области Бершадский районидаги «КПСС XXII съезди» колхозининг раиси **В. М. Кавун** сўзлаган нутқида шу гапларни айтди. Колхоз тузумининг ғалабаси, деб давом қилди у, партиямиз, бутун совет халқининг жаҳоншумул тарихий ғалабасидир. Нотиқ қишлоқ ҳаётида нақадар катта ўзгаришлар юз берганлигини ўз қишлоғи Шляховая тимсолида кўрсатди. Халқда: «Ирмоқлари бор дарёлар яхши», — деган гап бор. Шляховая — Ватанимиздаги неча ўн минг колхоз қишлоқларидан биргинасидир. Бутун мамлакатда кўпгина колхозларнинг меҳнаткашлари ишни қойил қилмоқда. Қишлоқ хўжалиги ходимларидан қарийб ўн минг киши Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлгани, 45 мингдан ортиқ киши Ленин ордени билан, неча юз минг кишилар бошқа орденлар ва медаллар билан мукофотланганлиги шу гапларимизни тасдиқламайдими. Нотиқ қишлоқ меҳнаткашларининг ҳозирги вазифалари тўғрисида гапирар экан, айниқса сўнгги йилларда кўпгина ютуқларга эришилганлигини айтиб ўтди. Лекин бундан ҳам кўпроқ ишлар қилмоқ лозим. КПССнинг XXIII съезди, КПСС Марказий Комитетининг Пленумлари қишлоқ хўжалиги соҳасидаги иқтисодий сиёсатнинг асосий йўналишини белгилаб берди. Партия ишлаб чиққан йўл мамлакатнинг бутун экономикасини юксалтириш ва совет халқи фаровонлигини янада яхшилаш манфаатларига батамом мос эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Колхозчиларнинг Бутуниттифоқ III съезди, съезд қабул қилган колхознинг янги Намунавий Устави колхоз тузумини ривожлантириш тарихида муҳим босқич бўлди. Нотиқ колхозчилар ва совхоз ишчилари кўп миллионли армияси номидан КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматини ишонтириб айтдики, барча совет халқи сингари қишлоқ меҳнаткашлари ҳам Ленин партияси ва унинг Марказий Комитети теварагига янада зичроқ жипслашиб, Ленининг улуғ байроғи остида олга, коммунизмнинг янги ғалабалари сари борадилар.

Италия Коммунистик партияси Сиёсий бюросининг аъзоси **Д. К. Пайетта** айтдики, ўз мамлакатида Ленининг фаолияти ва назарий меросига бағишланган оммавий йиғилишлар ўтказилмоқда, лекция туркумлари ташкил қилинмоқда. Италия коммунистлари, меҳнаткаш ёшлари капиталистик жамиятнинг илдиз-илдизини ларзага келтирувчи сиёсий ва социал олишувларда қатнашиб, Ленин таълимотидан илҳомланмоқдалар. Биз янги капитализм барча кучларининг танглиги, капитализм идеологиясининг танглиги кескинлашаётган бир вазиятда ленинизм проблемаларини кўтариб чиқмоқдамиз. Меҳнаткашларнинг бирлиги мустаҳкамланмоқда. Студентлар, шаҳарлик ўрта табақаларнинг янги категориялари курашга кириб бормоқда. Деҳқонлар орасида ҳам сўл тарафга янги силжиш борлиги сезилмоқда. Италия меҳнаткашларининг Ленин партияси ва халқига табриги — деди нотиқ,— кўп йиллик тажрибасида сиёсий назарияни конкрет фаолият билан доимо алоқада тутиш тўғрисидаги Ленин таълимотини ўзлаштириб олган кишиларнинг жанговар саломидир.

Д. К. Пайетта Италия Коммунистик партиясининг фаолиятини таърифлар экан, Италия коммунистлари айни Ленин таълимотидан ҳамда ҳали ҳеч ким ўтмаган йўллардан борган кишиларнинг орттирган тажрибасидан илҳомланиб, Италияда капиталистик эксплуатациядан озод бўлишга интили

ЛЕНИН БАЙРОҒИ ОСТИДА — КОММУНИЗМ ҒАЛАБАСИ САРИ

(Боши 1 ва 2-бетларда).

— Яшасин улуғ Ленин партияси ва халқи!

Монголия Халқ-Революцион партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Монголия Халқ Республикаси Министрлар Кенгашининг раиси **Ю. Цеденбаль** сўзга чиқади. Улуғ Ленининг ғоялари, деди у, неча юз миллион меҳнаткашларнинг онги ва қалбини тобора кўпроқ эгаллаб бормоқда, социализм мамлакатлари халқларининг яратувчилик фаолиятида, халқаро коммунистик ҳаракатни мустаҳкамлашда, барча мамлакатлар меҳнаткашларининг тинчлик ва социал тараққиёт учун курашида реал мужассамланмоқда. Ўртоқ Л. И. Брежнев ҳозирги тантанали мажлисда қилган докладида бутун дунёда Ленин ғоялари муваффар ҳаракатининг улуғвор манзараси, ленинизм байроғи остида ижтимоий ҳаётнинг революцион янгиланиши ёрқин тасвирлаб берилган.

Биз миллий жабр-зулм, миллий қирғинлик ва миллий маҳдудлик дунёсига халқларнинг қардошларча дўстлиги ва яқин ҳамкорлигини қарши қўйган, монгол халқининг тақдирини Ленин мамлакати бўлмиш Совет Иттифоқи билан мангу боғлаган Улуғ Октябрь социалистик революциясини қувонч билан фахрланиб тилга оламиз. Монголия Халқ Республикаси меҳнаткашларининг янги жамият қурилишидаги тарихий ғалабларининг ҳал қилувчи шарти Совет Иттифоқи билан иттифоқ ва дўстликка доимо суяниб туришдан иборатдир, деб таъкидлади нотиқ.

Совет Иттифоқида миллатлараро муносабатларни ташкил қилиш тажрибаси социалистик давлатлар халқлари дўстлиги ва бирлигини доимо мустаҳкамлаб боришда муҳим аҳамиятга эгадир, деди Ю. Цеденбаль. Бу тажриба барча қитъалардаги халқларнинг интернационал мулкидир. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда пролетар интернационализмини буржуа націонализмига алмаштираётган ревизионистлар ва бошқа оппортунистларга қарши қатъий кураш олиб бориш биринчи даражали ишдир. Улуғ Ленин асослаган ва илҳомлантирган Совет—Монгол дўстлиги ҳамиша бузилмас мустаҳкам бўлиб келди, ҳозирда ҳам шундай ва доимо шундай бўлиб қолажак.

Ўз мамлакатларининг халқларидан вакил бўлиб келиб, мана шу ерда ўтирган делегациялар, деди Араб Социалистик Иттифоқи Олий ижроия комитетининг (Бирлашган Араб Республикаси) аъзоси **Али Сабрий**, В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини тантанали нишонламоқ учун бугун Совет Иттифоқи халқлари билан бирга улуғ Ленин ватанида учрашган эканлар, узоқ ва яқин ана шу мамлакатларнинг халқ оммаси ҳам бугун ана шу улуғ тарихий санани нишонламоқда.

Бизнинг делегациямиз, деб давом қилди нотиқ, муқаддас кураш ўти ёнаётган араб диёридан бу ерга етиб келди. Делегация сизга, Ленининг фарзандлари ва набираларига Бирлашган Араб Республикаси халқидан, Араб Социалистик Иттифоқи аъзоларидан, араб халқининг ҳуқуқларига ва ерига тажовуз қилган кишиларга қарши араб оммасининг курашига раҳбарлик қилаётган президент Жамол Абдул Носирдан саминий саломлар ва дўстона ҳиссиётлар келтирди.

Агрессив ҳаракатлари арабларнинг ерларини босиб олишга, арабларнинг озодлик ва яшаш ҳуқуқларига қарши қаратилган кучларга қаҳрамонона қарши турган араб халқи бугунги кунда ўзи олиб бораётган қатъий курашда араб халқи томонида турган Совет Иттифоқи улуғ халқларининг қатъий ва оliжаноб позициясини, шунингдек социалистик мамлакатларнинг, барча дўстона халқларининг тутган позициясини ғоят қадрлайди ва уларга астойдил миннатдорчилик билдиради. Бу позиция шу халқлар табиатининг ўзидан ва уларнинг дўстона ҳис-туйғуларидан келиб чиқаётганлиги шак-шубҳасиздир. Бу позиция араб халқи қатъий ва оғишмай амал қилаётган Ленин таълимотидан, Ленин йўлидан ҳам келиб чиқмоқда. Бундай позицияни Ленин халқларнинг бойликларини талаётган ва уларнинг қисматларини таҳқирлаётган капиталистик монополиялар ва золимларга қарши, социализм учун курашнинг ажралмас қисми, деб ҳисоблаган эди.

Араблар, вьетнамликлар ва курашаётган барча халқларнинг ҳуқуқларини қўллаб-қувватлашда сиз тутган олижаноб ва дўстона позицияни БАР халқи, унинг раҳбарлиги ва оммаси номидан, унинг қуролли кучлари ва снёсий ташкилоти номидан табриклар эканман, деди пировардида Али Сабрий, қардошлар ва дўстлар, сизларга яна бир бор миннатдорчилик билдираман, чунки сиз тутган бу позиция улуғ Ленин таълимотининг амалдаги далилидир.

Икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони СССР Фанлар академиясининг президенти **М. В. Келдиш** минбарга чиқади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев докладида, деди олим, партиямиз ва совет халқимиз улуғ Ленин таълимотини қандай амалга ошираётганлиги, Ленин партиясининг раҳбарлигида бизга доҳий ва устоз кўрсатиб берган йўлга оғишмай амал қилган мамлакатимизнинг ишчилар синфи, деҳқонлари, зиёлилари экономика, фан ва социал тараққиётнинг қандай чўққиларига чиқолганликлари кенг ва ишонарли қилиб кўрсатилган.

Биз — олимлар, маданият намояндалари, бутун зиёлилар, деб давом қилди нотиқ, Ленин васиятларини амалга ошираётган жамиятда меҳнат қилаётганлигимиздан бениҳоя мамнунмиз. Улуғ Октябрдан сўнгги ярим аср мобайнида мамлакатимизда ленинизм ғоялари билан тарбия топган, Коммунистик партияга чексиз содиқ, халқ манфаатларига хизмат қилишни ўзининг олий мақсади деб билган янги совет зиёлилари камол топди. Биз маданиятимиз ва фанимизнинг юксак равнақи учун партиямизнинг ленинча сиёсатида, халқ истеъдодларига кенг йўл очиб берган Октябрь революциясидан миннатдормиз.

Нотиқ Советлар мамлакатида фан техника тараққиётининг негизи, юксак ривож топган экономикани яратиш, мудофаа қудратини мустаҳкамлаш негизи бўлиб қолди, деб таъкидлади. Фан билан саноатнинг иттифоқи, деди у, атом энергиясидан фойдаланишда СССРни олдинги позицияларга олиб чиқди. Совет Иттифоқи инсоният тарихида космик даврни очди. Коммунистик партия ва унинг Марказий Комитети маориф, фан ва маданият тўғрисида тинимсиз ғамхўрлик қилиши туфайли ана шу улкан муваффақиятларга эришилди.

Ленин — ғоятда улкан, асримиз уфқидан кўтарилиб турувчи бир симодир, деди Ўругвай Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Р. Арисменди.** Социал ва миллий жабр-зулмнинг эски режимига барҳам беришга даъват этилган ва коммунизм қураётган ишчилар синфи, меҳнаткаш омманинг улкан тарихий меҳнатида Ленин даҳоси мужассамланган. Ленин — жаҳон пролетариатининг доҳийсидир, 1917 йилнинг Улуғ Октябри натижасида ўз халқини ҳокимият тепасига келтириб порлоқ келажак сари йўл очиб берган чиниққан большевиклар партиясининг доҳийсидир.

Ленинизмнинг ғалабаси давримизнинг моҳиятиди, деди сўзини давом эттириб нотиқ, Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги ўз озодлиги учун, бутун дунёда тинчлик учун курашаётган халқларга ёрдам бериб турган Совет Иттифоқида коммунизм қурилаётган, енгилмас қаҳрамон Вьетнамдан тортиб Кубагача ёйилган социалистик система мустаҳкамланаётган, давримизнинг асосий кучи бўлган халқаро коммунистик ҳаракат ўсиб бораётган, мустамлака, қарам мамлакатлар ва яқинда озодликка чиққан мамлакатлар халқлари билан социалистик лагерь халқлари ва халқаро ишчилар синфи курашининг бирлиги мустаҳкамланган, марксизм-ленинизм, демократия, миллий мустақиллик ва социал тараққиёт учун курашувчи барча кучларни бирлаштиришнинг мустаҳкам пазарий ва қоявий қуролига айланган бир шароитда нишонланмоқда.

Бизнинг Латин Америкаси қитъасининг халқлари, деди Р. Арисменди, империализмга қарши жаҳон миқёсидаги кураш майдонига қудратли куч билан кириши. Куба халқининг ғалабасидан кейин қитъадаги ҳамма революцион жараёнларда сифат жиҳатидан силжиш рўй берди. Латин Америкаси бошқа мамлакатларининг халқлари сингари Ўругвай халқи ҳам демократик эркинликлар ва миллий суверенитетни ҳимоя қилиб шиддатли кураш олиб бормоқда. Уюшқоқ жанговар ишчилар синфи бу курашга пешқадамлик қилмоқда. Сўл кучларнинг озодлик сўл фронти теварагида бирлашиш жараёни давом этмоқда.

Родней Арисменди Ленин туғилган кунининг юз йиллиги унинг мамлакатида қандай нишонланаётганлигини гапириб берди ва бу сана умумхалқ байрамига айланиб кетганлигини айтди.

Корея меҳнат партияси Марказий Комитети сиёсий комитетининг ва сиёсий комитет президиумининг аъзоси, Марказий Комитет секретари, Корея Халқ Демократик Республикаси олий халқ мажлиси президиумининг раиси **Цой Ен Ген** жаҳон уза Ленин байроғи баланд кўтарилгандан сўнг ер юзида рўй берган мислсиз революцион ўзгаришлар ҳақида гапирди.

Улуғ Ленин ғояларидан битмас-туганмас куч ва мардлик намуналарини ўрганаётган, курашнинг тўғри йўлини Октябрь революциясининг ғалабасидан топган Шарқ халқлари, деди у, асрий уйқудан уйғондилар, ишчилар синфи раҳбарлигида империализмга ва мустамлакачиликка қарши кескин, мардонавор курашни авж олдириб юбордилар. Осиё қиёфасини тубдан ўзгартирдилар. Осиё халқларининг юз миллионлаб кишилари мустамлака қуллиги бўйинтуғини улоқтириб ташлаб, социализм йўлидан қолибона қадам ташлаб бормоқдалар.

Корейс халқи босиб ўтган шиддатли ва оғир революцион кураш тарихи улуғ Ленин ғояларининг ғалабалари руҳи билан суғорилган. Корейс халқи ўлмас Ленин ғояларини озодлик тонги деб билди, Ленин байроғи остида озодлик ва мустақиллик учун муқаддас курашга отланди.

Бизнинг халқимиз, деди нотиқ, социалистик революцияда ва социалистик қурилишда порлоқ муваффақиятларга эришди, ўтмишда шафқатсиз эксплуатация ва жабр-зулм, асрий қолоқлик ва қашшоқлик ҳукм суриб келган мамлакатни ривожланган социалистик давлатга айлантирди.

Корея меҳнат партияси марксизм-ленинизм байроғи остида социализмнинг тўла ғалабаси учун, ватанни бирлаштириш учун, бутун мамлакат миқёсида Корея революциясининг ғалаба қозониши учун бундан буён ҳам шиддатли курашни давом эттира беради, деб таъкидлади пировардида Цой Ен Ген.

Ҳиндистон Коммунистик партияси миллий кенгашининг раиси **Ш. А. Данге** шуни эслатиб ўтдики, Ленин ва большевиклар партияси раҳбарлигида ғалаба қозонган Октябрь революцияси Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги ҳамма мазлум халқларни революцион кураш йўлига ўтишга даъват қилди. Ўша даврда кўпгина антиимпериалистик ҳаракатлар империализмга қарши кураш оловини аланга олдирдилар. Иккинчи жаҳон уруши даврида Совет Армияси фашизми яксон қилди, империализмнинг жаҳон системасини заифлаштирди, социализмнинг жаҳон системасини вужудга келтириш учун имконият яратди. Ленин ғоялари инсониятни империализмдан, мустамлакачиликдан, жабр-зулм ва эксплуатациядан халос қилишнинг янги тарихий босқичи бошланганлигини яна билдирди. Совет Иттифоқи бошчилигидаги жаҳон социализм системаси озод бўлган мамлакатларга дўстлик қўлини узатди, турмушни қайта қуриш учун кураш йўлига ўтиб олишда уларга ёрдам берди.

Ленин туғилган куннинг юз йиллиги кунида биз тантанали қасамёд қилиб айтамизки, ўз миллий ва интернационал вазифаларимизни, пролетар бурчимизни бажараверамиз, революцион курашда ишчилар синфи, меҳнаткаш деҳқонлар, ёшлар ва зиёлиларимизнинг бирлигини мустаҳкамлай берамиз, деди нотиқ. Биз Совет Иттифоқи бошчилигидаги социалистик лагерь билан ва бутун дунё ишчилар синфи билан қўлни-қўлга бериб олга бораверамиз.

Минбарга Югославия коммунистлар союзи президиуми ижроия бюросининг аъзоси **В. Бакарич** чиқади. Рус пролетариати, деди у, Ленин раҳбарлигида ғалаба қозонди, бу — пролетариатнинг дунёда биринчи ғалабаси бўлди. Рус пролетариати ўз ғалабасини қутуриб қилинган биринчи хужумлардан муваффақиятли равишда ҳимоя қилиб қолди ва ўз анъаналарига таяниб Совет давлатининг бутун тарихи мобайнида уни қаттиқ туриб ҳимоя қилиб келди. Орадан кўп ўтмай социализм қурилиши ва социалистик муносабатлар Совет Иттифоқидан бошқа мамлакатларда ҳам рўёбга чиқарила бошлади ва янгидан кўп миллионлаб омма орасида чуқур томир ёйиб, уларнинг кундалик ишига айланиб қолди. Югославиянинг ҳамма халқлари сингари биз, коммунистлар ҳам бу фактни қадрлаймиз ва бундан буён ҳам қадрлай берамиз, деб таъкидлади Владимир Бакарич.

Нотиқ Югославия коммунистларининг кураши тўғрисида гапириб шуни таъкидладики, фашистлар Германияси Совет Иттифоқига ҳужум қилганидан кейин партия оккупациячиларга қарши умумхалқ урушини ташкил этишга муваффақ бўлди, бунинг натижасида мамлакатда чуқур революцион социалистик ўзгаришлар рўй берди.

Ленин фикри ва иши, деди В. Бакарич, Югославия коммунистлари учун ижодий, доимий илҳом манбаи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. У ўз нуткининг охирида дунёдаги ҳамма тараққийпарвар кишиларнинг ижодий таълимоти бўлган ленинизм шарафига табрик сўзлари айтди.

Дунёнинг тубдан қайта ўзгариши Ленининг номи, унинг фаоллиги билан боғланган, деди Германия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **М. Рейман.** Ленин Маркс билан Энгельс таълимотини ижодий равишда амалга оширишнинг улуғ устаси бўлди. У тузган янги типдаги партия меҳнаткашларни Россиядаги капитализмни ағдариб ташлашга отлантирди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси, деб сўзини давом эттирди нотиқ, немис ишчилар ҳаракати учун коммунистик партия тузишга берилган сигнал бўлди. Бу партия ўзи ташкил топган биринчи кунлардан бошлабоқ герман империализмига қарши шиддатли курашни авж олдириб юборди. Германия Компартияси ўз курашида Ленининг ижодий ғояларига ҳамиша амал қилиб келди ва амал қилмоқда.

Ленин ғоялари немислар диёрида ҳам униб ўсди, деб таъкидлади М. Рейман. Германия Демократик Республикасида муваффақиятли равишда социализм қурилмоқда. Ленин ғоялари социалистик ҳамдўстлик мамлакатларида, жаҳон революцион ҳаракатининг ҳамма отрядларида курашида рўёбга чиқмоқда.

Биз ўз фаолиятимизда, деди нотиқ, коммунистик ва ишчи партияларнинг Москва кенгаши қарорларига амал қилмоқдамиз. Биз ўзимизнинг интернационал бурчимизни адо этиб, бутун куч-ғайратимизни ишчилар синфининг ҳаракат бирлигига эришишга, барча тинчлик тарафдорларини бирлаштиришга сарфламоқдамиз, Германия Федератив Республикаси территориясидан янги уруш бошланишига йўл қўймасликка сарфламоқдамиз.

Биз, Германия Федератив Республикасининг коммунистлари Ленин ишига содиқмиз, Совет Иттифоқи халқларини коммунизм ғалабаси сари бошлаб бораётган ленинчи КПСС билан батамом бирдаммиз.

Тантанали мажлис қатнашчиларини, кўп сонли меҳмонларни пионерлар табриклашди. Кекса авлод намояндалари Ильич набираларининг бахтли болалик тўғрисидаги, уларнинг планлари, орзулари тўғрисидаги гапларини завқ билан тингладилар.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари **Е. М. Тяжельников** ўз нутқини совет ёшларининг ватанпарварлик ишларига бағишлади.

Комсомол энг муътабар, беиҳоя азиз Ленин номини олганига 45 йил бўлди, деди у. Бу билан комсомол фахрланади ва қувонади. Ленин билан партия бир-биридан ажралмас бўлгани каби, коммунистик ёшлар союзининг вужудга келиши ва ҳаёти ҳам Лениндан, ленинизмдан ажралмасдир. Комсомолнинг ҳамма ишларида доҳий Ленин ғояларининг барҳаёт нафаси сезилиб турибди. Ленин, Коммунистик партия комсомолни вужудга келтирдилар, воя етказдилар ва чиниқтирдилар.

Владимир Ильичнинг РКСМ III съездида сўзлаган тарихий нутқи барча комсомол авлодларининг фаолият программаси бўлиб қолди, деб таъкидлади нотиқ. Комсомол миллион-миллион совет йигит ва қизлари учун сиёсий, меҳнат ва ахлоқий тарбия мактаби, ёш авлодларнинг Ленин партиясига, социалистик Ватанга садоқат билан хизмат қилиш рамзи бўлиб қолди. Комсомол ва ёшлар биринчи ячейкалари тузган кишиларнинг, Советлар мамлакати тарихининг биринчи саҳифаларини ёзган кишиларнинг, она-Ватанимизни фашизм вабосидан кўкрак кериб ҳимоя қилиб қолган кишиларнинг, коммунистик қурилишда, фан, техника, маданиятда улкан муваффақиятларга эришган кишиларнинг, космосни забт этган кишиларнинг қаҳрамонона анъаналарини давом эттирмоқдалар.

Ёш меҳнатчилар, деди Е. М. Тяжельников, Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига олган юксак мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар. Бутуниттифоқ ленинча синов комсомол меҳнат ишларининг, марксча-ленинча ўқишининг ва ижтимоий-сиёсий ишининг уюшқоқлиги ва интизомининг жанговар кўриги бўлди. Бутуниттифоқ комсомол йиғилишида 54 миллиондан ортиқ комсомол, йигит ва қиз қатнашди. Бу йиғилиш мамлакат ёш авлодининг коммунистик қурилишдаги кучғайратларини кўпайтиришга аҳди паймон қилганлигини яна бир карра кўрсатди.

Леонид Ильич Брежнев ўз докладида партиянинг комсомолга, ёшларга жуда катта ишонч ҳақида завқ билан гапирди. Бу ишонч совет йигит ва қизларини, комсомолларни севикли Ватанимиз равнақи йўлида, муқаддас Ленин ғояларининг тантанаси йўлида янгидан-янги шижоатларга руҳлантиради, деди сўзининг охирида Е. М. Тяжельников. (ТАСС).

ЮКСАЛИШ ОДИМЛАРИ

1970 ЙИЛНИНГ 1 КВАРТАЛИДА ЎЗБЕКИСТОН ССР САНОАТИДА ДАВЛАТ ПЛАНИНИНГ БАЖАРИЛИШИ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармасининг ахбороти

Ўзбекистон ССР саноати ходимлари В. И. Ленин туғилган куннинг юз йиллиги шарафига зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини бажара бориб, ишлаб чиқаришда янги муваффақиятларга эришдилар — маҳсулот реализация қилиш ҳажми ва кўпчилик энг муҳим буюм турларини ишлаб чиқариш жиҳатидан январь — март плани ошириб бажарилди.

1969 йилнинг I кварталига нисбатан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 12 процент кўпайди. Саноатнинг энг муҳим соҳалари — ёқилғи, металлургия, машинасозлик, химия, бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш ва енгил саноат юксак суръатлар билан ривожланиб борди.

Саноатнинг энг муҳим соҳаларида маҳсулот ишлаб чиқариш 1969 йилнинг I кварталидагига нисбатан қуйидагича кўпайди:

Электр энергетикаси	6	процент
Ёқилғи саноати	10	»
Қора ва рангли металлургия	21	»
Химия ва нефть химияси саноати	17	»
Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	13	»
Ўрмон, ёғочсозлик ва целлюлоза-қоғоз саноати	6	»
Енгил саноат	10	»
Озиқ-овқат саноати	5	»

Айрим министрликлар бўйича маҳсулот реализация плани қандай бажарилганлиги ва ишлаб чиқариш ҳажми қандай суръатлар билан ўсганлигини қуйидаги маълумотлардан кўриш мумкин:

	1970 йил 1 квартал планнинг бажарилиш процента	1969 йилнинг январь-мартидагига нисбатан 1970 йилнинг январь-мартида процент ҳисобида
Ўзбекистон ССР бўйича жами	104	112
шу жумладан:		
Умумиттифоқ министрликларининг корхоналари бўйича	102	114
Иттифоқ-республика ҳамда республика министрликлари ва идораларининг корхоналари бўйича		
СССР Қора металлургия министрлиги	103	106
СССР Рангли металлургия министрлиги	102	123
СССР Нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси саноати министрлиги	102	123
Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги	102	109
«Ўзбекуголь» комбинати	108	111
Ўзбекистон ССР химия саноати бошқармаси	100,7	117
Ўзбекистон ССР мебель ва ёғочсозлик саноати бошқармаси	110	118
Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги	105	140
Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги	102	105
Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министрлиги	105	109
Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги	104	105
Ўзбекистон ССР Гўшт ва сут саноати министрлиги	106	99,3
Ўзбекистон ССР балиқ хўжалиги бошқармаси	205	221
Ўзбекистон ССР Тайёрлаш министрлиги	107	112
Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги	106	124

Тошкент шаҳри, республиканинг барча областлари ва Қорақалпоғистон АССР саноати ўз планларини бажарди.

Прокат ишлаб чиқариш, газ қазиб чиқариш, электр энергияси ҳосил қилиш, дизель, осма кранлар, жумладан, махсус кранлар, трактор, кўрак чувиш машинаси, пахта толаси, шойи газламалар, ички трикотаж, чарм пойафзал, ўсимлик мойи ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш квартал планн тўла ва ошириб бажарилди.

Саноат маҳсулотларининг асосий турларини ишлаб чиқариш натурал ифода билан олганда қуйидаги маълумотлар билан характерланади:

	1970 йилнинг 1 кварталда ишлаб чиқарилгани	1969 йилнинг январь-мартига нисбатан 1970 йилнинг январь-мартида процент ҳисобида
Электр энергияси (умумий фойдаланишдаги электр станциялар ва блок станциялар) — миллиард киловатт-соат	4,6	109
Нефть — минг тонна	454	105
Газ — миллиард куб метр	8,5	101
Кўмир — минг тонна	1003	111
Пўлат — минг тонна	95	100,5
Қора металл прокати — минг тонна	85	102
Минерал ўғит — (шартли бирликларда) — минг тонна	936	113
Куч трансформаторлари — минг киловольт-ампер	698	139
Бронекабель — минг километр	4,0	107
Компрессорлар — дона	614	107
Нигирув машиналари — дона	210	111
Трактор прицеплари — минг дона	9,5	112
Трактор сеялкалари — дона	1801	103
Пахта терим машиналари (икки қаторликка айлантириб ҳисоблаганда) — дона	2800	142
Чанглаттич-пуркагич машиналар — дона	1000	143
Экскаваторлар — дона	251	123
Цемент — минг тонна	782	121
Нигма темир-бетон конструкциялар ва деталлар (қурилиш ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар ишлаб чиқаргани бу ҳисобга кирмайди) — минг куб метр	669	161
Бинокорлик ғиштн (ёрдамчи саноат ишлаб чиқаргани бу ҳисобга кирмайди) — миллион дона	329	171
Асбоцемент шифер — миллион шартли плита	50,9	111
Қоғоз — минг тонна	5,8	111
Мебель — миллион сўмлик	9,9	116
Рўзғор холодильниклари — минг дона	14,4	118
Газ плиталари — минг дона	68,2	143
Пахта толаси — минг тонна	390	118
Хом ипак — тонна	288	105
Канап толаси — минг тонна	1,9	159
Ип газлама — миллион квадрат метр	43,2	93
Шойи газлама — миллион квадрат метр	11,5	104
Пайпоқ — миллион жуфт	7,7	108
Устки ва ички трикотаж — миллион дона	7,6	120
Чарм пойафзал — миллион жуфт	4,6	108
Балиқ овлаш — минг центнер	12,5	139
Гўшт (саноат ишлаб чиқариши) — минг тонна	17,1	88
Сариёғ*) — тонна	1086	87
Қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари сутга айлантириб ҳисоблаганда (сут, сузма, кефир, қатиқ, қаймоқ, сметана ва хоказо) — минг тонна	55,6	120
Ўсимлик ёғи*) — минг тонна	76,7	109
Кондитер маҳсулотлари — минг тонна	21,7	111
Консервалар — миллион шартли банка	24,3	99

*) Колхозлар ва хонадонларда етиштирилгани бу ҳисобга кирмайди.

1969 йилнинг биринчи кварталига нисбатан электр энергияси ҳосил қилиш 394,9 миллион киловатт-соат, газ қазиб чиқариш 120 миллион куб метр, химия ускуналари ишлаб чиқариш 701 минг сўмлик, трактор культиваторлари ишлаб чиқариш 1218 дона кўпайди. Бошқа кўп турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳам кўпайди. Шунингдек, бир қанча халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш: мебель 1351 минг сўмлик, тайёр шойи газламалар — 440 минг квадрат метр, ички трикотаж — 965 минг дона, чарм пойафзал 138 минг жуфт, қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари 9,4 минг тонна кўпайди.

Меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот таннархини арзонлаштириш планлари ошириб бажарилди.

Шу билан бирга, республика саноатининг ишида қуйидаги камчиликлар ҳам мавжуд бўлди: бир қанча корхоналар маҳсулот реализация қилиш, натурал ифодада буюм ишлаб чиқариш ва жамғарма тўплаш топшириқларининг уддасидан чиқа олмади. Айрим корхоналар меҳнат унумдорлигини ошириш, товар маҳсулоти таннархини арзонлаштириш, техника-иқтисодий кўрсаткичлар, шунингдек буюм сифатини яхшилаш ва янги техникани жорий қилиш топшириқларининг бажарилишини таъминлай олмади. Айрим ҳолларда мавжуд қувватлардан самарали фойдаланилмади, янгитдан қўшилган қувватлар эса сусткашлик билан ўзлаштирилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармаси

ҚУРУВЧИЛАР РАПОРТИ

«Узгавводстрой»нинг қурилиш-монтаж ташкилотлари коллективлари сув хўжалиги қурилиши бўйича тўрт ойлик топшириқни муддатидан барвақт бажардилар. Янги майдонларни ўзлаштириш бўйича белгиланган ярим йиллик план ҳам муддатидан олдин адо этилди. 4,9 минг гектар қўриқ ер қишлоқ хўжалик оборотига киритилди, 17,3 минг гектар майдоннинг мелиорация холати яхшиланди.

ТЎРАХОН ИБРОҲИМОВА

1927 йилдан КПСС аъзоси Тўрахон Иброҳимова узоқ давом этган касалликдан сўнг вафот этди.

Т. Иброҳимова 1889 йилда туғилди ва 12 ёшидан бошлаб Қўқон бойлари қўлида қароллик қилди. У 17 ёшидан Қўқон Қизил пролетарийлари сафига қўшилди ва революцион курашга қатнашди.

У Шарқ хотин-қизларининг тенг ҳуқуқлилиги учун курашнинг дастлабки ташкилотчиларидан бирига айланди. Октябрь революциясидан сўнг у Қўқон шаҳрида хотин-қизлар ташкилотига бошчилик қилди. Тўрахон Иброҳимова Совет ҳокимиятининг барпо этилиши ва халқ хўжалигини ривожлантириш даврида «Қўшчи» союзи Марказий Комитетининг хотин-қизлар ташкилотчиси сифатида самарали ишлади.

Т. Иброҳимова Бутунроссия Советларининг II съезди, ишчи ва деҳқон депутатлари Советларининг XI съезди делегати эди. У Туркистон ва Ўзбекистон Советлари съездларининг ишида қатнашди.

Т. Иброҳимова ҳамиша меҳнатсеварлик намунасини, партиятга садоқат намунасини кўрсатди. У янги социалистик жамият қуриш учун оташин курашчилардан бири эди. Партия ва ҳукуматимиз ўртоқ Иброҳимованинг хизматларини юксак баҳолаб, уни икки марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени ҳамда медаллар билан мукофотлаган.

Партиянинг содиқ қизи, оташин революционер Т. Иброҳимованинг ёрқин хотираси ҳамиша қалбларимизда сақланади.

Бир группа ўртоқлари.

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ МАЙДОНДА

Суратда: пойтахт ёшлари В. И. Ленин номли майдонда.

А. Абалян фотоси.

22 апрель куни Тошкентдаги Ленин номли майдон одамлар билан лиқ тўлди. Шу шонли кунда ўн минглаб тошкентликлар жонажон Ильичга қизғин меҳр-муҳаббатларни, у тузган Коммунистик партиянга чексиз содиқ эканликларини изҳор этиш учун революция йўлбошчиси ҳайкали ёнига келишди.

Қизил галстуклик болалар билан тўла катта майдон узра янграган: Ленин таълим берганидек яшашга қасамёд қиламиз! Қасамёд қиламиз! — деган сўзлар зўр акс садо бериб янграйди. Эрталаб бу ерда Тошкент пионерларининг меҳнаткашлар улуғ йўлбошчиси ва устози туғилган кунининг юз йиллигига бағишланган тантанали паради бўлиб ўтди. Парадда ёш ленинчилардан ўн беш минг киши қатнашди.

Кумушранг карнайлар овози тиниши биланоқ Тошкент гарнизонининг жангчилари шаҳдам одим ташлаб майдонга кириб келишди. Юбилей куни улар бундан буён ҳам ўз ҳушёрликларини оширишга, улуғ октябрь ғалабаларини сергак туриб ҳимоя қилишга тайёр эканликларини яна бир бор намойиш қилдилар.

Кундузи майдон узра яна фанфаралар овози эшитилди. Улар республика пойтахти комсомоллари ва ёшларининг намойиши бошланганлигидан дарак берди. Минг-минглаб тошкентликлар республиканинг ҳамма ёшлари номидан Ленин ишига, партия ишига, совет халқининг кекса авлоди бошлаган ишга содиқ бўлиб қолиш тўғрисида қасамёд қилдилар.

Тошкентликлар Ильич ҳайкали супачасига ранг-баранг баҳор гулларини қўйишди.

(ЎзТАГ).

ДОҲИЙГА ҲАЙКАЛ

Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозида доҳийнинг 100 йиллиги арафасида катта тантана бўлди. Бу ерда Ленинга ўрнатилган ҳайкал тантанали равишда очилди.

Колхоз раиси Юсуфжон Тўлипов қисқача нутқ сўзлаб, доҳий бюсти устига ёпилган чойшабни олади. Ҳамманинг кўз ўнгида башарият доҳийсининг буюк сиймоси намоён бўлади.

«ЎзССР 30 йиллиги» номидаги 10-мактаб ўқувчилари доҳий ҳайкали олдида фахрий қоровуллиқда туришди, ёшлар Ленин ҳақида ўзлари ёдлаган шеърлардан ўқишди.

Бу салобатли ёдгорлик «Ленинизм» колхози марказининг ҳуснига-ҳусн қўшди.

Суратда: колхознинг кекса аъзоларидан Муҳитдин Мўминхўжаев мактаб ўқувчилари билан доҳий ҳайкали олдида.

Ю. Содиқов фотоси.

УЙҒОНГАН ШАРҚ ЭҲТИРОМИ

Ер юзидаги бутун тараққийпарвар инсоният қатори Шарқ ҳамда Африка мамлакатларининг халқлари ҳам улуғ ва мўътабар инсон — Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини тантанали нишонламоқдалар. Бу мамлакатларда В. И. Ленининг ҳаёти ва фаолияти ўрганилмоқда. Доҳий тўғрисида кўргазмалар очилди. Унинг асарлари қатор тилларга таржима қилинди. Симпозиумлар, лекциялар, илмий конференциялар ўтказилмоқда, совет кинофильмлари кўрсатилмоқда, китоблар чоп этилмоқда.

Шарқ ва Африка мамлакатларининг халқлари В. И. Ленинни ўзларига энг яқин дўст ва устоз деб биладилар, чунки буюк инсон ўзининг бир қанча асарларида уларга озодлик ва мустақилликка чиқишда тўғри йўлни кўрсатиб берди. Доҳий кўрсатмаларига амал қилган ва амал қилаётган Осиё ҳамда Африка халқлари бирин-кетин мустамлакачилик кишанларини парчалаб ташлаб, озодлик ва сиёсий мустақилликка эришдилар ва эришмоқдалар. В. И. Ленининг ғоялари жаҳондаги барча халқларнинг келажак йўлларини қуёшдек ёритиб турибди.

Мана, Осиё ва Африка мамлакатларининг давлат арбоблари ҳамда кўзга кўринган кишиларининг В. И. Ленин ғояларининг ҳаётбахшлилиги тўғрисида айтган фикрлари.

Ҳиндистондаги миллий-озодлик ҳаракатининг атоқли арбоби **Жавоҳарлал Неру** қуйидагиларни айтган эди: **«Маркс ва Ленин асарларини ўрганиш менга жуда катта таъсир кўрсатди ва тарихни ҳамда ҳозирги ҳаётни янгича тасаввур этишга ёрдам беради». «Биз Ленинга қойил қолган эдик ва унинг намунаси бизга таъсир кўрсатган эди».**

Вьетнам халқининг йўлбошчиси Хо Ши Мин Шарқ халқлари учун В. И. Ленин фаолиятининг аҳамиятини таърифлаб бундай деб ёзган эди: **«Ленин Ғарб пролетариати учун йўлбошчи, раҳбар, устоз бўлса, Шарқ халқлари учун бундан ҳам улуғ зотдир. Ленин Шарқ халқлари учун, агар таъбир жоиз бўлса, авлиё кишидир».**

«Мен ҳаёт эканман, — деган эди Туркия буюк миллат мажлисининг раиси **Мустафо Камол,** — **Туркия Ленининг Туркия учун қилган ва қилаётган ишларини эсдан чиқармайди».**

Хитойнинг улуғ демократи **Сун Ят-сен** 1924 йил февраль ойида В. И. Ленин хотирасига бағишланган митингда сўзлаган нутқида бундай деган эди: **«Жаҳоннинг кўп асрлик тарихида дабдабали сўзларни айтган, лекин уларни ҳеч қачон рўёбга чиқармаган минг-минглаб йўлбошчилар ва олимлар пайдо бўлган эди. Ленин, Сен бундан мустасносан. Сен гапириб, таълим бернбгина қолмадинг, балки ўз сўзларингни рўёбга ҳам чиқардинг. Сен янги мамлакатни вужудга келтирдинг. Сен биргаликда кураш олиб боришимиз учун йўл кўрсатиб бердинг... Мен сенинг йўлингдан боришни истайман. Душманларим бунга қарши бўлсалар ҳам, менинг халқим шу йўлдан борганим учун мени табриклайди».**

«Корейс халқи, — дейди Корея Халқ Демократик Республикаси Министрлар кабинетининг раиси **Ким Ир Сен,** — **барча меҳнаткашларнинг йўлбошчиси, устози ва дўсти Владимир Ильич Ленининг порлоқ хотирасини ҳурмат билан эсга олади. Ленин идеяларининг нури халқимизнинг миллий ва социал озодликка эришиш йўлини ёритиб берди. Ленин таълимоти янги жамият қурилишида йўлчи юлдузимиздир.**

Монголия Халқ Республикаси Министрлар Советининг раиси **Ю. Цеденбал** бундай дейди: **«Ленининг улуғ таълимоти ва халқ революцияси бизнинг халқимиз ўрта аср жаҳолати ва зулматидан халос қилди, империалистларнинг асоратидан қутқазди... Озод Монголиянинг ҳар бир меҳнаткаши Ленининг ўлмас номини чин кўнгилдан севади ва қадрлайди.**

Афғонистоннинг Совет республикасидаги биринчи элчиси **Мирзо Муҳаммад Яфталий** ўз эсдаликларида қуйидагиларни ёзади: **«Жаноб Ленин билан учрашув менинг хотирамда ажойиб эсдаликлар қолдирди. Мен В. И. Ленин ўшанда Шарқ халқларининг аҳволини яхшилаш зарурлиги тўғрисида билдирган фикрларини жуда яхши хотирлайман. Жаноб Ленин айтган фикрлар унинг Шарқ халқларининг мустамлакачилик зулмидан озод бўлиб, ўз мустақилликларига эга бўлишларини истаганидан аниқ далолат берарди. Қисқаси, жаноб Ленининг Шарқ халқлари тўғрисидаги фикрлари олижаноб фикрлар эди. Ана шу вақтдан буён орадан узоқ йиллар ўтганига қарамай, жаноб Ленин билан учрашувдан олган ёрқин таассуротларим менинг хотирамда ҳамон жонланиб турибди».**

Ана шундай улуғ ҳамда табаррук инсон юбилейини Шарқ ва Африка мамлакатларининг халқлари қандай кутиб олмоқдалар?

МОНГОЛИЯ. Бу ерда В. И. Ленин юбилейи шарафига «Зарбдор юз кун» шиори остида социалистик мусобақа авж олиб кетди. Бу ҳаракат умумхалқ характерини олди. Матбуот, радио ва телевидение Ленинча меҳнат вахтасида меҳнат қилаётганларнинг муваффақиятлари тўғрисида батафсил хабар бериб турибди.

СУРИЯ. Мамлакатда шонли юбилейга аталган тадбирлар амалга оширилмоқда. Шаҳарларда кинофестиваллар уюштирилмоқда, виставка залларида фото ва бадиий кўргазмалар ташкил этилмоқда, маданий марказларда Ленинга бағишланган лекциялар ва докладлар ўтказилмоқда.

Хомс шаҳрида «Тасвирий санъатда Ленин образи» деган бадиий виставка очилди.

АФГОНИСТОН. В. И. Ленин туғилган кунинг 100 йиллигини нишонлаш мақсадида юбилей комитети тузилди. Бунга Афғонистоннинг машҳур давлат ва жамоат арбоби сенат Абдул Ҳоди Дови бошчилик қилаётир. Давлат ва жамоат арбоблари, Афғонистон—Совет дўстлиги жамияти вакиллари комитет составига кирдилар. Комитет байрам программасини тайёрлади. 1970 йил эса Ленин йили деб эълон қилинди.

КОНГО (**Браззавиль**). Конго Халқ Республикаси матбуот ва ахборот ходимлари касаба союзининг бош секретари **Жорж Олуо** ТАСС мухбири билан яқинда қилган суҳбатида бундай деди: **«Ленин геннал арбоб эди, у Маркс ва Энгельс таълимотини амалга ошириб, жаҳонда биринчи социалистик давлат барпо қилиш билангина чекланиб қолмасдан, шу билан бирга марксизм назариясини тағин ҳам баланд чўққига кўтарди. Ленининг улуғ ғоялари ҳозирги замон жамиятининг энг улуғ кучи бўлиб қолди. Ленининг улуғ ғоялари бутун жаҳон революцион жараёни учун ҳам, шунингдек Африкадаги пролетариат ҳаракати учун ҳам жуда катта аҳамиятга эгадир».**

СУДАН. Судан—Совет дўстлиги жамиятининг ижроия комитети ҳамда Суданда Ленин юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан шу жамият таъсис этган комиссия яқинда қўшма мажлис ўтказиб, В. И. Ленин таваллудининг юз йиллигига бағишланган тадбирларни ташкил этиш планини муҳокама қилдилар.

Улуғ доҳий В. И. Ленининг юз йиллигини Вьетнам, Непал, Покистон, Ҳиндистон, Бирлашган Араб Республикаси, Сенегал, Тунис ҳамда Шарқ ва Африка мамлакатларининг бошқа халқлари ҳам зўр шодиёналик билан кутиб олмоқдалар.

Т. ФАЙЗИЕВ,
тарих фанлари кандидати.
И. УСМОНОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг илмий ходими.

ИЛЬИЧ ҒОЯЛАРИ НУРИ

Калинин районидаги Ленин номли колхоз меҳнаткашлари катта тантанали кечага тўпланишган. Колхознинг ҳашаматли клуби байрамлардагидек безатилган. Ленининг азиз номи ва ишини улуғловчи қизил алвонлар чўғдек кўзга ташланиб туради. Ёшу-қари ҳамманинг дилида қувонч, ҳаяжон. Сабаб, бу кун азамат сабзаводчилар, чорвадор ва соҳибкорлар ҳузурига Тошкент Давлат педагогика институтининг бир группа олимлари ва Кремлнинг собиқ соқчиси, Ленин билан бир неча бор учрашган мўътабар отахон Муҳаммад Бақоев ташриф буюришган.

«Ленин ғоялари яшамоқда, тантана қилмоқда» — кеча ана шундай номланди. Кечани район партия комитети агитация ва пропаганда бўлимининг мудири ўртоқ К. Мирпўлатов кириш сўзи билан очади. Сўнгра нотиқларга навбатма-навбат сўз берилди.

Тошкент педагогика институтининг доценти, тарих фанлари кандидати Р. Норжигитов ўзининг Ленинча кооператив план ҳақидаги мазмунли нутқида ўтмишда аянчли аҳволда бўлган қишлоқларимизда Совет даврида рўй берган социалистик ўзгаришлар хусусида тўхталди. У жонли мисоллар асосида ўзбек қишлоқларини коллективлаштиришнинг машаққат давридан то шу ажойиб кунларгача бўлган тараққиёт йўлини, қишлоқларда амалга оширилган туб социал революция деҳқонларга беқиёс бахт ва саодат берганини атрофлича таснифлаб берди.

Сўнгра иқтисод фанлари кандидати К. Юсупов ва фалсафа фанлари кандидати З. Ғофуров ўртоқлар бирин-кетин сўз олишади. Улар ўз нутқларини «Мамлакатни ленинча индустрлаш плани ва унинг амалга оширилиши», «Ленинча халқлар дўстлиги» темаларига бағишлашди.

1930 йилдан бери КПСС аъзоси, Кремль курсанти, Ленин билан бир неча бор учрашиш шарафига мушарраф бўлган кекса большевик Муҳаммад Бақоев сўз олганда кечага тўпланганлар орасида ажиб жонланиш бошланди. Бу табиий эди. Ахир улуғ Ленин ҳақида уни ўз кўзи билан кўрган, у билан юзма-юз учрашган табаррук одам оғзидан жонли ҳикоя тинглаш қанчалик мароқли!

— Ленин ғояларининг ҳаётийлиги ва қудрати, — деб ўз сўзини бошлади кекса большевик, — менинг тақдиримда, айниқса, ёрқинроқ намоён бўлди. Мен, оддий бир ўзбек фарзанди 1922—1925 йилларда Москвада ВЦИК номидаги Кремль Бирлашган ҳарбий мактабида ўқидим. Курсант сифатида улуғ Ленинни кўриш, яқиндан суҳбатлашиш ва доҳий ҳаётини муҳофаза этиш шарафига муяссар бўлдим. Бу мен учун буюк бахт эди.

— Ленин ўша кезлари, — деб ҳикоясида давом этади М. Бақоев, — оиласи билан Кремлда яшарди. Гоҳида у Бонч-Бруевич билан бирга курсантлар ҳузурига келиб, суҳбатлашиб турарди. Доҳий ҳамма билан сизлаб, мулойим оҳангда гаплашарди. Ҳар биримиздан ҳол-аҳвол сўраб чиқар, уй-ичларимизни суриштирарди. Ҳар биримизга кетма-кет саволлар берар, қандай арзларимиз борлигини сўраб-суриштирарди. Биронта арз тушиб қолгудай бўлса эътибор билан тинглар, тезда ёзиб олар ёки бошқа бирон кишига мажбурият тариқасида топширарди. У ҳар бир аранинг ижросини шахсан ўзи текшириб турарди. Ленин жуда олижаноб, камтар ва кишиларга беқиёс ғамхўр эди. Ленин болаларни айниқса жуда севарди. Уни гоҳида болаларни ўз машинасига ўтқазиб, сайр қилдириб юрган вақтларида кўриб қолардик...

М. Бақоев сўзининг охирида ҳаммани Лениндек камтар бўлишга, Лениндек яшаш ва меҳнат қилишга даъват этди. Йиғилганлар унинг бу даъватини зўр мамнуният билан қарши олишди.

— Колхозимиз, — дейди сўзга чиққан хўжалик партия ташкилотининг секретари Қ. Абдусаломов, — Ленин номида. Хўжалигимиз доҳий ғояларидан нур олиб ўсмоқда, юксалмоқда. Коллективимиз шу долзарб кунларда юбилей йили учун зиммаларига юксак мажбуриятлар олиб меҳнат қилмоқдалар. Колхозимиз бу йил она-Ватанга 10 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотларн етказиб беради. Ҳозир азамат деҳқонларимиз ана шу мажбуриятнинг тўла ва барвақт бажарилиши учун фидокорлик билан меҳнат қилмоқдалар, юбилейга муносиб тўёналар билан келмоқдалар.

Сўнг педагогика институти ўқитувчиларидан Қ. Орипов ва Э. Юнусовлар доҳий ҳаётидан баъзи лавҳаларни сўзлаб беришди.

Тошкент область «Билим» жамиятининг педагогика институти олимлари ва ўқитувчилари иштирокида уюштирган Ленин кечаси жуда мароқли ўтди.

Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ.

ЦЕЙЛОН прогрессив жамоатчилиги Ленин туғилган кунинг 100 йиллигини кенг нишонламоқда. Мамлакатнинг шаҳар ва қишлоқларида митинглар бўлиб ўтмоқда, кинофильмлар намойиш қилинмоқда, фотография ва китоб виставкалари очилмоқда. Суратда: Коломбо университетида В. И. Ленин юбилейига бағишлаб ташкил этилган китоб ва алвонлар кўргазмаси.

(ТАСС).

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

17.55 — **Кўрсатувлар программаси.** 18.00 — **Ўқувчилар учун. «Оталаримиз жасорати»** (ўзбек тилида).

Рус тилида: 18.30 — **«Васка номли мушук 3-синфга қандай кўчди»** (мультфильм). 18.40 — **Телеянгиликлар.** 18.55 — **«Ленин номи билан аталган»** (ҳужжатли фильм). 19.15 — **Ёшларнинг Халқаро бирдамлик куни олдидан. «Жаҳон ёшлари бирлашса...»** 19.55 — **Кўрсатувлар программаси.**

Ўзбек тилида: 20.00 — **Телеянгиликлар.** 20.15— **«Ноз-неъмат бунёдкори»** (Сабзаводчилар учун программа). 20.45 — **«Қалбимда қўшиқлар кўп»** (Концерт). 21.25— **«Ёшлик»** студияси кўрсатади. **«Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 дан — **Москва кўрсатади.**

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 18.00 — **Янгиликлар панорамаси.** 18.20 — **Ленин декрети билан.** 18.50 — **«Қалбларга Ленинни жо қилиб»** (Адабий композиция).

20.00 дан — **Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 — Буюк ғалабанинг 25 йиллиги олдидан. **«Снайпер Чехов ҳаёт»** (Кинофильм).

Рус тилида: 20.15 — Г. Свиридов. **«Патетик ораторня».** 20.55 — **«Тарих билгандан бери»** (Ҳужжатли фильм). 21.15 — Буюк ғалабанинг 25 йиллиги олдидан. **«26-си отилмасин»** (Бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА—23/IV да **Тўй кунида,** 23/IV да **Корсар,** 25/IV да **Шоир қалби.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА—23/IV да **Олтинчи июль,** 24/IV да **Мария Стюарт,** 25/IV да **Замон драмаси.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 23/IV да **Ёшликда берган нўнгил,** 24/IV да **Қизбулоқ,** 25/IV да **Нурхон.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 23/IV да **Учинчи орзу,** 24/IV да **Дийдор,** 25/IV да **Ун саккиз ёшлигим.**

КИНО

Кремль курантлари — «ЧАЙКА», «СПУТНИК», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11 да, кундуз 1 да).

Кўл бўйида (2 серия) — «ВОСТОК», «МОСКВА», (кундуз ва кечқурун).

Биз Кронштадтданмиз (эрталаб соат 10 да, кундуз 2 да). **Хавфли гастроллар** (кундуз ва кечқурун) — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ».

Улик мавсум (2 серия) — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Ун уч терак кўчаси — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Муҳаббатнома (2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 3, 5 ярим ва кеч 8 яримда).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
24 АПРЕЛДА
УЛУҒ ДОҲИНИМИЗ ВЛАДИМИР ИЛЬИЧ ЛЕНИННИ ШАРАФЛАНАМИЗ
ШЕЪРИЯТ КЕЧАСИ
Қатнашадилар:
ШОИРЛАР
АСҚАД МУХТОР, РАМЗ БОБОЖОН, АБДУЛЛА ОРИПОВ, МИРМУҲСИН.
ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИК» АНСАМБЛИ
Ансамблнинг бадиий раҳбари — **САЙФИ ХАЛИЛ.**
Ансамблнинг бош балетмейстери — **ИСЛОМ ИСМОИЛОВ.**
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: **КАМТАР ОТАБОЕВ, ВИЛОЯТ ОҚИЛОВА.**
VI Жаҳон фестивалининг лауреати
АНВАР РУСТАМОВ
Солистлар: **Гулшод ОТАБОЕВА, Фахриддин УМАРОВ, Маҳмуд ИСОМИДДИНОВ,** (Наманган), **Дилафруз ЖАББОРОВА, Роза КАКУРИЕВА, Фахриддин ДУСТМУҲАМЕДОВ.**
ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АНСАМБЛИ
Программани — **ҒУЛОМ ТОЖИ-АЪЛОЕВ** олиб боради.
Концерт кеч соат 8 да бошланади.
Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан, район кассаларида эрталаб соат 11 дан сотилади.

Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитети 1927 йилдан буён КПСС аъзоси
Тўрахон
ИБРАГИМОВАНИНГ
вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилади ва марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қилади.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Г. 1629.
ИНДЕКС — 64697.
Р. 02451.